

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Дўст

№ 73 — 74

(2610—2611)

1993 йил

17 СЕНТЯБРЬ

ЖУМА

СОТУВДА ЭРКИН
НАРХДА

Мактуб кўнгил ойнасидир

Республикада оёйишта-ликнинг барқарорлиги ҳукумат олиб бораётган сиёсатнинг, шунингдек ички ишлар идоралари ходимларининг фидокорона меҳнатлари самараси эканлигини ушбу кичик мақоламизнинг бошламасидаёқ қайд қилиб ўтишни фарз деб билдик. Фуқаролар томонидан Ички ишлар вазирлиги, шахсан Вазир номига келаётган мактубларнинг умумий мазмуни бизни ана шундай хулоса чиқаришимизга тўла асос бўлди.

Дарҳақиқат, сўнгги пайтларда Республика ички ишлар Вазирлиги номига келаётган миннатдорчилик мактублари сезиларли даражада кўпайди. Бу эса ўз навбатида бевосита жойларда оёйишталик посбонларининг янада фаолроқ хизмат қилишларига туртки бўлмоқда.

Биз қўйида ана шундай мактублардан бирининг қисқача мазмуни билан сизни таништирмоқчимиз.

Мактуб Бухоро шаҳридан. Уни шаҳарнинг Саъдий Шерозий номли ва "Дилқушо" маҳаллаларида истиқомат қилувчи фуқаролар йўллашган ва ўн саккиз киши имзо чеккан.

Мактубда қайд қилинишича, айнан тинчликнинг, оёйишталикнинг собитлиги туфайли, юқорида номлари келтирилган маҳаллаларда бир қатор ижобий ўзгаришлар бўлган. Маҳаллаларга ички ишлар ходимлари тез-тез ташриф буюришиб, аҳоли билан самимий мулоқотда бўладилар. Хат муаллифлари айниқса вилоят ИИБ ДАН ходимлари хизматидан жуда миннатдорлар: Қ. Исмоилов, А. Амонов, Ҳ. Сатторовларнинг хизмат фаолиятларига юқори баҳо беришган.

"Бу ходимларнинг намунали ишлари бошқаларга, айниқса, ёш ходимларга ибрат бўлиши, раҳбарият эса ана шундай меҳнатсевар, виждонли ходимларни қадрлай билишлари лозим", — дейлади мактуб сўнгида.

Биз мактуб йўловчиларга самимий дил сўзлари учун миннатдорчилик билдирамиз.

Р. МУҲАММАДЖОНОВ,
милиция майори.



ҚАШҚАДАРЁ вилояти ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль назорати бўлими катта муҳандиси, милиция капитани Шавкат Узоқов ўз касбининг қийинчиликлари алақачон кўникиб кетган ходимлардан. Ажойиб фазилатларидан бири — ўзидан тажрибалилардан ибрат ола билади, ўзидан тажрибасизларга ибрат бўла олади. Шавкат СУЛТОН олган сурат.

2-бет

ҚИЗЧА ОМОН ҚОЛДИ

Наргизанинг қариндошлари
милиция ходимларидан
хурсанд.

Бугунги
сонда:

4, 5-бетлар

ҲАФТАЛИК
ТЕЛЕКЎРСАТУВЛАР
ДАСТУРИ

6-бет

ЯКШАНБА КУНИ
БОЗОРДА...

Бедарак йўқолган
болакай топилди

ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ХИЗМАТИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жиноятларнинг олдини олиш Бошқармаси бошлиғи, Республика халқ ноиб, милиция полковниги Ботир Раҳматович Парпиев билан суҳбат

МУХБИР: — Ботир Раҳматович, суҳбатимиз аввалида жиноятларнинг олдини олиш Бошқармаси фаолияти, унинг вазифалари нималардан иборат экани ҳақида қисқача гапириб берсангиз.

БОШЛИҚ: — Жиноятларнинг олдини олиш Бошқармаси Ўзбекистон Республикаси ИИБ таркибидаги хизмат бўлиб, у 1989 йилда қайта ташкил қилинган. Бошқарма фаолиятининг туб моҳияти жамиятда содир бўлаётган ҳар қандай жиноятларнинг олдини олиш, бартараф этиш ва пайини қирқидан иборат. Шундан келиб чиққан ҳолда хизматимиз ходимларига бир қатор масъулиятли вазифалар юкланган. Булар жиний фикр-хаёлдаги ёки жиноят содир қилишга мойил

шахсларни аниқлаб, улар устидан назорат ўрнатиш, содир этилган жиноятларни кенг таҳлил қилиб, уларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур ўрганиб чиқишдир. Келгусида уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқиш, жиноятчиликнинг олдини олиш хизмати учун ўзига хос услубда йўл-йўриқ ва тавсиялар беришдан иборатдир.

М: — Жиноятларнинг олдини олиш хизмати доираси анча кенг экан. Унинг энг асосий йўналишларида қандай ўзгаришлар юз бермоқда? Бу соҳада янги услубларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш ишлари қай даражада амалга оширилмоқда?

Б: — Албатта, ишмизнинг энг асосий йўналишлари бор. Биринчи

навбатда фаолиятимизни яхшилашга, жиноятларни ҳар томонлама чуқур таҳлиliga жиддий эътибор бермоқдамиз. Ўзингиз биласиз, унинг сабаб-оқибатларини аниқ-равшан аниқламай туриб жиноятларнинг олдини олиш тўғрисида оғиз очиб бўлмайди. Кўр-кўрона иш тутсак, қилган ишларимизнинг қумга қуйилган сувдек, нафи бўлмайди.

Ана шу таҳлил асосида биз қайси тоифадаги шахслар билан ишлашимиз кераклигини, қандай шарт-шароитлар жиноятчиларга қулай вазият яратиб бераётганини, кимларнинг бепарволиги, лоқайдлиги туфайли улар содир бўлаётганини аниқлаб олдик.

(Давоми 3-бетда).

Икки жума оралиғида

РОСА 5 ОЙДАН СЎНГ

Шу йилнинг 17 март куни соат 00.30 ларда номаълум шахс Поп туманининг "Чодак" давлат хўжалигида ишловчи Р. Бегматовнинг қорнига пичоқ уриб, унга тан жароҳати етказган эди. Роппа- роса 5 ойдан сўнг милиция ходимлари безори ким эканлигини аниқлашди. У 1962 йилда туғилган, ишсиз А. исмли шахс бўлиб чиқди.

ЯНА ПИЧОҚ БИЛАН

Тўйлар шоду хуррамлик, тўкин-сочинлик белгиси. Ҳозирги тақчиллик, қимматчилик ҳукм суриб турган кунларда тўй қилиб, эл олдида дастурхон солиш осон эмаслигини ҳаммамиз биламиз. Бирок бир бечора эзгу ниятда тўй қилса-ю, бошқа бир кимса уни бузса, бундан ортқ хурматсизлик бўлиши мумкинми?

Тўрақўрғон туманининг Сайрам қишлоғида худди шундай бўлди. Номаълум шахс Т. Охунжоновни ташқарига чакириб, ҳе йўқ, бе йўқ унга пичоқ уриб, жуфтакни ростлади.

Милиция ходимлари безорининг изига тушишди ва уни тезда топишди. У Камолов кўчасида яшовчи И. деган шахс экан.

АЁЛ — МАШИНА
ЎГРИСИ

17 июль куни кеч соат 21.10 ларда Наманган таксопаркига қарашли "ГАЗ-24" русумли, давлат белгиси 54-80 НАА бўлган машина Наманган туманининг Миришкор қишлоқ кенгаши ҳудудида номаълум шахс томонидан олиб қочиб кетилди.

Воқеа хусусида дарҳол ДАН постларига хабар қилинди. Орадан 35-40 дақиқалар ўтгач, Тошбулоқ — Наманган йўлида машина ўгриси ушланди. У Тўрақўрғон туманининг Ёртепа қишлоғида яшовчи, ҳеч жойда ишламайдиган, 1969 йилда туғилган К. исмли аёл бўлиб чиқди. Бир фарзанднинг онаси бўлмиш ушбу жувонга нега машина керак бўлиб қолди, бунга тергов аниқлаб беради.

ФОЖИА

Харакат хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик, атайин тезликни ошириш қўпичча фожага, кўнгилсиз ҳодисаларга сабаб бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, рулга шошқалоқ ешлар ўтирсалар борми?..

Наманган Давлат дорилфунуни толиби, янгикўрғонлик З. отасига қарашли "ВАЗ-2106" русумли автоуловни Наманган — Нанай йўлида бошқариб бораётиб, эҳтиётсизликка йўл қўйди ва рўпарасида келаётган "МАЗ-503" русумли юк машинаси билан тўқнашиб кетди.

Оқибатда З. ва машина ичидаги икки йўловчи ҳалок бўлишди.

И. КАРИМОВ, милиция майори.



ОЛМАЛИҚ шаҳар ИИБ участка катта нозир, милиция майори Анорбой Ҳотамов меҳнат аҳли билан тез-тез учрашиб, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ўзаро ҳамкорликда қилинажак ишлар ҳақида суҳбатлар ўтказиб туради.

Шаҳар ИИБ ДАНБ катта муҳандиси, милиция капитани Йулдош Абдурахмоновнинг эса ички ишлар идораларида хизмат қилаётганига қарийб 30 йил бўлди. Шундан 28 йилни Давлат автомобиль назорати бўлимида ўтади. Ҳозирда ҳам ўз хизматлари билан ёшларга ўрнак бўлиб келмоқда.

Суратларда: А. Ҳотамов "Чамбил", "Наврўз", "Муқимий", "Рамазон" маҳаллалари раислари ва аъзолари билан (чапдаги сурат); Й. Абдурахмонов (чапда) ҳайдовчининг ҳужжатларини назардан ўтказмоқда.

Ҳ. ШОДИЕВ олган суратлар.



Участка вакиллари олдинги сафда

Шу йилнинг 15-25 август кунлари республика ҳудудида кенг қамровли "Комплекс" тадбири ўтказилди.

Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад қўлга киритилган истиқлолни мустаҳкамлаш йўлида меҳнат қилаётган халқнинг осойишталигини жиноятчилар тажовузидан ҳимоя қилишдан иборат эди. Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш ҳамда унга қарши қатъий курашни ташкил этиш ҳам асосий вазифалардан бири қилиб қўйилганди. Тадбир якунлари ҳақиқатан ҳам кўзланган мақсадларга эришилгани ва самарали бўлганлиги билан аҳамиятлидир.

Тадбир давомида ички ишлар идоралари ходимларининг кенг жамоатчилиги билан биргаликда амалга оширган ишлари натижасида 1317 нафар шахс жиноят содир этганлиги учун қўлга олинди, 1411 жиноят очилди, 15697 нафар қондабузар аниқланиб, маъмурий чора кўрилди. 27372 нафар муқаддам судланган шахсларнинг турмуш тарзлари текширилиб, уларнинг 1043 таси фойдали меҳнат билан шугулланмаётганликлари аниқланди. Бундан ташқари, гиёҳвандлар, ичкиликбозлар ва бошқа шу тоифадаги ҳисобда

турувчи шахсларнинг барчаси текширилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилди.

Тадбир ўтказилган кунларда бошқа хизмат ходимлари билан биргаликда милиция участка вакиллари ўз олдларига қўйилган вазифаларга виждонан ёндашган ҳолда ишладилар. Жумладан, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳар ички ишлар бўлими катта участка вакили, милиция майори Нурулла Маматов тадбир бўйича топшириқларни бажариб юрган пайтида "Ипак йўли" кўчасидаги 147-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Шухрат Тўраев ва унинг ҳамтовоқлари Дилшод Қурбонов ҳамда муқаддам судланган Виктор Жумаевнинг жиноят содир қилишга тайёргарлик кўраётганликларини сезиб қолди. У вақтни бой бермай, марказлаштирилган қўриқлаш пунктнинг милиционерлари Шавкат Шокиров ва Суяр Жўраевларни ёрдамга чақириб, дарҳол ишга киришди. Чунки бекор ўтган ҳар бир дақиқа жиноят изининг йўқ қилинишига сабаб бўлиши мумкин эди. Текширилган пайтда ўзини "Авлоқулов" деб таништирган 26 ёшли Дилшод Қурбоновнинг чўнтагидан 11 грамм марихуана чиқди. Шундан сўнг милиция ходимлари гумон қилинганлар

давра қуриб ўтирган жойни зийраклик билан кўздан кечиришди. Оқибатда шу ернинг ўзидан беркитиб қўйилган 17 та жанговар граната, 7 та портловчи-тутун тарқатувчи модда, 1 дона тугмачали пичоқ топиб олинди. Бу воқеа зудлик билан шаҳар ИИБ раҳбарларига етказилди. ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция майори Муфтилла Ражабов бошчилигидаги тезкор гуруҳ етиб келиб, кенг миқёсда иш бошлаб юборди. Ушбу жиноятнинг илдизи чуқур эканлиги кўриниб турганди. Бир кеча-кундуз ичида "Пахтазор" кўчасидаги 27-уйда яшовчи Сергей Шомуродовнинг уйдан 176 та ана шундай граната, 12 та портловчи-тутун чиқарувчи модда олинди. Сергейнинг акаси Николайдан эса 1 дона граната, 4 қути порох, 20 га яқин портловчи-тутун чиқарувчи моддалар ва портлатиш учун мўлжалланган симли воситалар топилиди ва уларнинг жиноят содир этишларига йўл қўйилмади. Наманган шаҳар ИИБ дан Б. Тўрабоев, Самарқанд шаҳар ИИБдан А. Умурзоқов, Тошкент шаҳрининг Юнусобод тумани ИИБдан А. Назаров, Чилонзор тумани ИИБдан А. Тилашбоев, Миробод тумани ИИБдан Н. Анорбоев, Мирзо Улуғбек тумани ИИБдан А. Абдусаматовлар фаолияти ҳақида илиқ фикрларни айтиш мумкин. Уларнинг ўз касбларига ҳурмат билан қараб, виждонан ишлашлари сабабли жиноятлар ўз вақтида аниқланиб, чора кўрилмоқда.

Сиддиқ СУЛАЙМОНОВ,
ИИБ ходими, милиция майори.

Бир куннинг икки воқеаси

Бекжонов, милиция майори Комилжон Тошпўлатов, милиция капитани Ўринбек Қўшматовларнинг кунни кун, тунни тун демай қилган сатъ-ҳаракатлари натижасида жиноятчилар фош этилди. Улар 26, 22, 23 ёшли йигитлар бўлиб чиқди. Учаласи содир этган жиноятларини тан олишди. Ҳозирда улар устидан тергов ишлари кетмоқда.

Умарали ЭЛИБОВЕВ,
Бекобод шаҳар ИИБ бошлиғи ўринбосари,
милиция подполковниги.

ХОДИСА

Қизча омон қолди



Ички ишлар идораларида хизмат қилиш ҳар бир ходимдан жисмонан бақувват бўлиши, хизмат давомида юзга келадиган барча қийинчиликларни енгиши, фавқулодда ҳолатларда тезкорлик билан иш юритишни, одамлар бошига қулфат тушганда доим ерданга тайёр туришни, керак бўлганда ўз жонидан-да кечишни тақозо этади. Баъзан ҳаётда шундай ҳолатлар ҳам бўлиб қоладики, киши бир дақиқа ичида бахтсизлик билан рўпара келиб қолади. Агар шу пайтда яхши одамлар келиб, ёрдам қўлини чўзиб, сизни бахтсизликдан қутқариб қолса, бир гап.

Мухаббат буви Қосимова Ромитан туманидан Бухоро шаҳрига — қизиникига меҳмонга келатганида бахтсиз ҳодисага учрайман деб ҳеч ҳам ўйламаган эди. Буви уч невараси билан эрталаб соат ўнларда Бухоро Арк музей-қўриқхонаси олдидан ўтиб кетаётганида 8 ёшли невараси Наргиза Қосимова канализация кудугига тушиб кетди.

Арк музей-қўриқхонасида навбатчиликни ҳаммаси, милиция старшинаси Қахрамон Тўхтаевдан қабул қилиб олган Бухоро вилояти ИИБ соқчилар бўлимининг алоҳида рота милиционер, милиция старшинаси Маҳкам Назаров атрофни кўздан кечириётганида кекса аёл билан кетаётган уч қизчадан бирининг чуқурликка тушиб кетганини кўриб қолди. У вақтни ўтказмасдан "тез ёрдам"га қўнғироқ қилиб, ўзи воқеа жойига шошилди.

Навбатчиликни топшириб, уйига қайтаётган Қахрамон Назаров ҳам "дод-вой"ни эшитгач, дарҳол ортга

кайтди. Бир пастда кудук атрофини ўткинчилар ўраб олишди. Тўпланганлар орасида ёш, навқирон йигитлар бўлса-да, шошиб қолганларми, қизчани қутқариш ўрнига томошабин бўлиб туришарди.

Бундайин бахтсиз воқеаларни кўравериб, анча тажрибага эга бўлган Қ. Тўхтаев қувур ичига тушди, кудук ичининг ярмигача кириб қолган қизчани эҳтиёткорлик билан тортиб олди. Қизчанинг бирор ери ҳам синмаганлигига ишонч ҳосил қилгач, етиб келган ҳаммаси М. Назаров ёрдамида уни юқорига олиб чиқди. Саккиз ёшли Наргизанинг аҳволини яхши деб бўлмади. Уч метрлик кудук ичидаги қувурга урилиб, хушидан айрилган қизчага милиция ходимлари биринчи тиббий ёрдам кўрсатишди. "Тез ёрдам" етиб келганда Наргиза хушига келган эди. У касалхонага ётқизилди.

Айни пайтда Наргизанинг аҳволи яхши. Синфдошлари қатори мактабга қатнай бошлади. Милиция ходимлари Қахрамон Тўхтаев ва Маҳкам Назаровларнинг фидойиликлари, ўз касбларини мукамал эгаллаганликлари, фавқулодда ҳолатларда тўғри йўл топа билишлари натижасида Наргиза Қосимованинг ҳаёти сақлаб қолинди. Ҳар иккала милиционер вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбарияти томонидан рағбатлантирилди.

Ш. Қўлдошев,
Бухоро вилоят ИИБ матбуот гуруҳи
ходими, милиция майори.
Суратда: Наргиза халоскорлари
билан.

Е. Зуев олган сурат.



ЖИНОЯТЧИЛИК ва тартиббузарликларга қарши кескин кураш олиб бориш, улар олдида ишончли тўсиқ қўйиш мақсадида Тўрақўрғон туман ички ишлар бўлими ходимлари қатор ибратли тадбирларни амалга оширмоқдалар. Туман ҳокимлиги ва маъмурий орган ходимлари биргаликда қишлоқ Кенгашилари ҳудудларида халқ йигинлари ўтказиш, асосий эътиборни жиноятчиликка қарши курашга қаратмоқдалар. Ҳаётнинг ўзига хос қонунлари бор. Эзгу иш қилган инсон эъзозлангани сингари бировга ёмонлиқни раво кўрган кишилар ҳам қилмишларига яраша жазоланиши мўқаррар. Бугун ишлари ўнгидан келгани билан эрта ё индин ҳолларига маймунлар йиғлаши аниқ.

Туман ҳудудида уюшган

жиноятчиликка қарши кураш яхши йўлга қўйилган. Бу ишда жиноят қидирув бўлини маси ходимларига кенг жамоатчилик яқиндан ёрдам бермоқда. Шулар ҳисобига 1993 йилнинг ўтган биринчи ярим йиллиги давомида ўн битта жиноят, бир гуруҳ жиноятчилар томонидан содир этилган 40 га яқин давлат ва фуқароларнинг мулкни ўғирлаш ва талончилик каби жиноятларни аниқлашга эришилди, бу жиноятчиларни содир этган 28 нафар жиноятчилар қўлга олинди. Уларнинг олди — 17 ёш ўспирин бўлса, кекса оқсоқоли 50 ёшда. Бу жиноятчилар қилмишларининг охири вой эканлигини ҳаёлларига ҳам келтирмаганди. Йўқса, кетма-кет кишиларнинг мол-мулкларини ўғирлашга қўл уришармиди? 1993 йилнинг 4 май кунини туман

КУРАШ ДАВОМ ЭТАВЕРАДИ

халқ суди ўзаро тил бириктириб, қатор қабиҳ ишларни амалга оширган гуруҳ устидан ҳукм чиқарди. Суд гуруҳ бошлиғи Шавкат Ўсаров ва унинг энг яқин ёрдамчиси Абдумалик Ўруновга 8 йилдан, Абдурахмон Рўзиев ва Ўринбой Эргашевга 5 йилдан, 52 ёшли Жўрабой Султоновга 3 йилдан қамоқ жазоси тайинлади ва айбдорларнинг мол-мулклари мусодара этилди.

Масалан, Шавкат Ўсаров шериги Абдумалик Ўрунов билан ўтган йилнинг 10 ноябрида тунда Яндама қишлоғида яшовчи Усмоновнинг бир бош қўчқорини ўмаришди. Октябрь ойида 16-ўрта мактабга тегишли "Янтарь" соатини, 1 декабрда ўтар кечаси Шавкат билан Абдумалик Найманча қишлоғида яшовчи беш фарзанднинг онаси, бева аёл Нурматова Ҳабибанинг бир бош қўйини, Сайрам матлубот жамиятига қарашли 6-аралаш моллар дўконидан 70 килограмм бўлган 10 қоп унни ўмаришди. Хуллас, бу гуруҳ аъзолари ҳар бир ўғирликни гоёт устакорлик билан амалга оширишди. Улар туман милициясининг изқуварлари томонидан қўлга олинди.

Иккинчи бир гуруҳ ҳақида. Бу гуруҳ раҳнамоси Ғайратботир Қўзйашев бўлиб, бу гуруҳга Ёрлашов 5 нафар жиноятчи 1992-1993 йиллар давомида

қатор йирик ўғирликларни амалга ошириб юрганлар. 1992 йилнинг сентябрига ўтар кечаси Жомашуй шаҳарчаси, Ленин кўчасида жойлашган Р. Ҳотамовнинг хусусий дўконидан 230 минг 915 сўмлик молларни тунаб кетишган. Худди шунингдек, шу ердаги К. Позиловнинг хусусий дўконидан 55 минг 720 сўмлик буюмларни ҳам ўғирлашган. Тўрақўрғон туман матлубот жамиятига қарашли 10-дўкон, шу тумандаги Шаҳанд матлубот жамиятига қарашли 21-дўконнинг деворини тешиб, катта миқдордаги саноат молларини ўмаришди. Шу йилнинг 6 январиде бу гуруҳ аъзолари кўплаб меҳнаткашларнинг дардларига малҳам бўлаётган "Шаҳанд" санаторийсининг омборхонаси деворини тешиб кириш йўли билан 132 минг сўмлик буюмларни, шу йилнинг 6 апрелида қўшни Наманган тумани Оқбулоқ қишлоғида 7-дўкондан 342 минг 501 сўмлик ҳар хил молларни гумдон қилишди.

Гуруҳ ишига 1993 йил 24 апрель кунини нуқта қўйилди. Тўрақўрғон шаҳар марказида истиқомат қилувчи нафақадор, тажрибали доя Раиса Энисованинг қимматли сирғасини ўз уйи олдида номаълум шахслар томонидан куч ишлатиш билан олиниши ва бу ҳодиса-юзасидан олиб боришган тезкор тергов

ҳаракатлари юқоридаги гуруҳнинг фош этилишига сабаб бўлди.

Барча уюшган гуруҳларнинг жамики кирдиқорларини фош этишда туман ички ишлар бўлимининг кўпчилик ходимлари, айниқса, жиноят-қидирув бўлини маси бошлиғи О. Юнусов, катта тезкор вакил У. Қодиров, тезкор вакиллар Н. Тошбоев, Х. Тожнаҳмедов, П. Абсатторов, милиция старшинаси А. Абдуллаев, милиция майори А. Сайдуллаевларнинг маҳоратларини алоҳида кўрсатиб ўтишни истардим. Эл-юрт осойишталиги йўлида ҳалол хизмат қиладиган ходимлар кўпаяверсин, шу билан бирга барча фуқаролар шунга амин бўлсинларки, жиноят жазосиз қолмайди.

А. МИРЗАЕВ,
Наманган вилояти, Тўрақўрғон
туман ички ишлар бўлими
бошлиғининг муовини, милиция
майори.

Суратда: Тўрақўрғон туман ИИБ ЖКБ бошлиғи, милиция майори Орифжон Юнусов, (ўнгдан чапга) ЖКБ тезкор вакили милиция капитани Ҳабибулла Тожнаҳмедов, ЖКБ тезкор вакили милиция лейтенанти Фахриддин Абсатторовлар.

Сурат муаллифи:
Боқижон ХОЛМИРЗАЕВ.

ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ХИЗМАТИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бунда биз, албатта, республикамизда юзага келган ижтимоий, иқтисодий йўналишларни ҳам синчковлик билан ўрганиб, ҳисобга олиб иш тутмоқдамиз. Жиноятчиларнинг 60-70 фоизи гиёҳвандликка, ичкиликбозликка берилган, муқаддам судланган, жамият учун фойдали меҳнат билан шуғullanмайдиган, тарбияси оғир бўлган ўсмирлар, маънавий жиҳатдан бузуқ оилада сурункали равишда жанжаллар келтириб чиқарувчи шахслар томонидан содир этилмоқда.

Ишмизнинг асосини ҳам ана шундай шахсларни ўз вақтида аниқлаш, уларга нисбатан жиноятнинг олдини олиш мўлжалланган қонунларни қўллаб, жамиятимиздан четга чиқиб қолишларига йўл қўймасликдан иборат. Шу билан бирга, ички ишлар идоралари шахсий таркибининг асосий қисмини ташкил қиладиган участка вакиллари, вояга етмаганлар билан ишловчи инспекторлар ва ахлоқ милицияси ходимларининг ишини ташкил этиш ҳам хизматимиз зиммасига юкланган. Шунинг учун ҳам ишмизни асосий ёки иккинчи даражали деб аташ, менимча нотўғри бўлади.

Шунга қўра, биз ҳозирда барча йўналишлар бўйича янги услуб ва дастурлар ишлаб чиқдик. 1993 йилнинг ўтган даври мобайнида қилинган ишлар таҳлилига бағишланган тезкор кенгашда виллоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари ўринбосарлари ҳамда жиноятнинг олдини олиш бўлиmlари бошлиқларини ишлаб чиқилган дастурлар билан таништирдик ва ўз фаолиятларида уларга қатъий амал қилишини талаб қилмоқдамиз.

М: — Газетхонларга тушунарли бўлиши учун ушбу хизмат фаолиятига киритилаётган янгиликлар ва ўзгаришлар тўғрисида ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз.

Б: — Ҳозирги кун талабини ҳисобга олган ҳолда, жиноятнинг олдини олиш бошқармаси Низоми, ходимларнинг иш вазибалари қайта кўриб чиқилиб, ушбу хизмат фаолиятига объектив баҳо берувчи мезонлар аниқланиб, мавжуд статистик маълумотларни тузиш, жойлардан олиш ва ҳисоблаш марказидан ўтказиш чора-тадбирлари кўриломоқда. Сурункали равишда фойдали меҳнат билан банд бўлмаган, меҳнат биржаларида ҳисобда турмаган шахсларга нисбатан маъмурий чоралар қўллаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий Мажмуасига бундай шахсларга жарима солишни кўзда тутадиган модда қўйиш режалаштирилмоқда. Жамоатчиликнинг родини ошириш борасида, жумладан, жамоат тартибини сақлаш таянч пунктлари, халқ дружиначилари, ўртоқлик судлари, меҳнат жамоалари, маҳалла қўмиталари тўғрисидаги қарор ва қонунларга ҳозирги замон талаби даражасида ўзгаришлар киритиш бўйича таклифлар тайёрланмоқда. Бугунги кунда бошқарма оналарнинг бола тарбиясига қонун олдида жавобгарликларини кучайтириш тўғрисида қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни режалаштириб қўйди. Хизматимиз мавқеини кўтариш ва унинг жамоатчиликка қарши курашдаги таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида ҳар бир давлат ва жамоат ташкилотларининг жиноятчиликка қарши курашда масъулиятини ошириш ва уларни бу йўналишда ўз вазибалари, ўринларини аниқ кўрсатиб бериш борасида ҳам маълум ишларни режалаштирганимиз.

Бу мўлжалланган ишлар билангина чегараланиб қолмасдан, биз хорижий мамлакатларнинг бу борадаги илғор тажрибаларини ҳам ўрганиб, уларни ўз фаолиятимизга татбиқ қилишимиз керак.

М: — Бошқарма тизими қўйи бўғинлари, хусусан, милиция участка вакиллари ишини такомиллаштириш бўйича қандай ишлар қилинмоқда?

Б: — Дарҳақиқат, бугунги кунда участка вакиллари зиммасига 300 дан зиёд вазибалар юкланган. Бу вазибалар ҳар доим ҳам улар томонидан яхши удаланавермапти. Бунинг бир қанча объектив ва субъектив сабаблари бор. Биринчидан, участка вакили халқ орасида ишлайдиган, у билан ҳамнафас ва биринчи бўлиб ҳуқуқ-тартиботни ҳимоя қилишга сафарбар қилинган кишидир. У доимо ўзига

бириктирилган ҳудудда бўлиши керак. Афсуски, ҳозирги кунда унинг кўп вақти беҳудага сарф бўлмоқда. Чунки унга яхши хизмат шароити яратиб берилмаган, унинг муаммолари билан жойлардаги ИИБ раҳбарлари қизиқмайдилар. Шу каби сабабларга қўра уларнинг бугунги фаолияти тушуниб бўлмас тизимга айланиб қолмоқда.

Бошқармада участка вакиллари ишини такомиллаштириш бўйича бир қатор режалар, дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, кадрлар масаласига катта эътибор бериш. қайта тайёрларикдан, синовлардан ўтказиб туриш, касб малакасини ошириш, уларнинг халқ олдидаги ҳисоботларини тинглаб туриш, қайтадан тавсифномалар ёзиш, талабга мувофиқ жавоб бермайдиганларини сафлардан чиқариш масалалари кўзда тутиляпти.

Шуни рўй-рост айтиш керакки, бугунги, кунда участка вакиллари ниҳоятда оғир аҳволда ишламоқдалар. Кўп жойларда милиция идораси билан телефон алоқалари йўқ. Фақатгина Тошкент шаҳридаги участка вакиллариининг маълум қисми хизмат телефонлари билан таъминланган.

Шуларни назарда тутиб, биз Вазиrлар маҳкамасига участка вакиллариининг фаолиятини ташкилий ва моддий-техник томондан таъминлаш чоралари тўғрисида ўз таклиф-мулоҳазаларимизни тавсия этдик. Ҳозир шу таклифлар асосида қарор лойиҳаси ишлаб чиқилган. Бу лойиҳада участка вакилларига бир қанча ҳуқуқлар ва қўшимча имтиёзлар берилиши, хизмат хоналари, телефонлар билан таъминлаш, яшаш жойларида уларни бепул телефонлар билан таъминлаш, коммунал хизматни текин қилиб қўйиш, навбатсиз ер участкаларни ажратиш кабилар кўзда тутилган. Албатта, бу имтиёзларга яраша талаб ҳам кучайтирилади.

М: — Ҳозирги пайтда ёшлар, аиниқса, вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг ўсиши жамоатчиликни жуда таъвншга солаётгани сир эмас. Уларнинг жиний йўллррга кириши сабабларини нимада деб биласиз, яна қандай воситалар билан уларни жиноят кўчасидан қайтариш мумкин деб ўйлайсиз?

Б: — Вояга етмаганлар билан ишлаш ҳозирги кунда энг долзарб вазибаларимиздан биридир. Чунки ёшлар жамиятнинг келажаги ҳисобланади. Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар, тарбияси оғир болаларга ўз вақтида таъсир кўрсатилмаса улар келажакда жиноятчилар бўлиб етишиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун биз бу борадаги фаолиятни бир дақиқага ҳам бўшаштирмаслигимиз лозим. Агар биз фарзандларимизни ёшлигиданоқ тўғри тарбиялаб, ноқонуний ишлардан ҳазар қиладиган қилиб қўйсак, келажакда жиноят ўз-ўзидан камаяди, деб ўйлайман. Ўтмишда қандай бўлган? Бир болага етти кўшни ота-она, деган нақл бекорга айтилмаган. Ундан ташқари ёшларда ор-номус кучли бўлган. Оилада ҳар, бир фарзандга ота-бобосининг ким экани, унинг ибратли ишлари ҳақида фикр сингдирилган. Ҳар бир ишни, хатти-ҳаракат қилишдан аввал менинг зотим, насл-насабим учун бу иш тўғри келадими, деб ўйлаб кўриб, сўнгра қилишган. Ҳозир эса мактабда ҳам, оилада ҳам болага кўпроқ тадбиркорлик, пул ўргатилимоқда. Шаҳарларни-ю қўя турайлик, қишлоқларда ҳам жамоавий тарбия йўқолиб кетмоқда. Вояга етмаганлар орасида жиноят содир бўлишининг энг асосий сабаби шулар деб биламан. Биз ёшлар тарбиясига кераклича эътибор бермасак, уларга ёндошишда янгича метод ва воситалардан ҳамда бой меросимиздан фойдаланмасак вояга етмаганлар орасидаги жиноятларнинг олдини ҳеч қачон ололмаймиз. Жиноятчилик ёшлар орасида авж олар экан, демак, келажакда бизни янада мураккаб жиноятлар билан кураш кутади. Шунинг учун биз бу соҳани — йўналишни ривожлантириш мақсадида ҳар қандай маблағни ҳамда куч-воситаларни аямаслигимиз зарур.

М: — Мана, Ички ишлар вазиrлигида, унинг жойлардаги идораларида “Ахлоқ милицияси” хизматининг тузилганга ҳам бир йилдан ошди. Бу йўналишда қандай ишлар амалга оширилмоқда ва келгусида қандай режалар кўзланмоқда?

Б: — Ҳозирча бу йўналишда сезиларли ишларни амалга оширганимиз йўқ. Бу жуда нозик йўналиш бўлиб, ходимларимиздан ўта катта масъулиятни ва моҳирликни талаб этади.

Устига-устак бу борадаги қонунларни ҳам қайта кўриб чиқиб, жазо чораларини ҳам ўзгариш-кучайтириш зарур, деб биламан.

Ахлоқсизликка қарши курашда жарималардангина эмас, балки кескинроқ чоралардан ҳам фойдаланишимиз керак. Ундан ташқари, ахлоқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш йўллариини барча воситалар билан тўсишимиз, бу борада барча кучларни ишга солишимиз лозим.

М: — Муқаддам судланганлар томонидан жиноятлар содир этилишининг олдини олиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Б: — Тўғри, муқаддам судланганлар томонидан жиноят содир этилиши бугунги кунда энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Биз бу жиноятларнинг олдини олишни иложи бор бўлган барча йўллар билан ижобий ҳал қилишга ҳаракат қилаётган бўлсак-да, лекин очигини айтиш керак, бу борадаги аҳвол яхши эмас. Чунки иқтисодий янгиланиш пайтида озодликдан маҳрум этилган жойлардан қайтган шахсларни турар-жой ва иш билан таъминлашнинг ўзи бўлмайпти. Ахир ишламаган одам қай усулда яшашини ўйлаб кўринг. Унинг устига, кейинги пайтда жамиятда ғалати бир ўй-фикр пайдо бўлиб келмоқда: қамоқдан қайтган одамни ку-тиб олади, ҳол-аҳвол сўрайди-да, 3-4 кун ўтгач, у унутилади. Уни ишга ҳеч қайси ташкилот олмайди, жамоатчиликка қўшилмайди, руҳан тушқуниликка тушиб қолади. Шу тариқа у ўзига яна жиноят йўлини танлайди.

Шуни ҳисобга олиб, жойларда бундай шахсларни ижтимоий ҳаётга қўникмалар ҳосил қилдирувчи марказлар тузиш керак. У марказларда маҳалла фаоллари, обрўли ки-шилар таъсиридан фойдаланиб, собиқ маҳбусларни қайта тарбиялаш, ижтимоий қўникмалар ҳосил қилдириш ишларини кенг йўлга қўйиш керак. Муқаддам судланган шахс ўз қуршоғида ўзига нисбатан бағри кенгликни ҳис қилсагина қайта жиноят йўлига кирмайди.

Бундан ташқари, муқаддам судланганларнинг ички ишлар идоралари томонидан маъмурий назорат қилинишини ҳам кучайтиришимиз керак. Бу борада яқинда бошқармамиз томонидан Йўриқнома ишлаб чиқилди ва у тез кунларда ички ишлар бўлиmlарига юборилади. Ўйлайманки, бу Йўриқнома жойларда ўз самарасини беради.

М: — Жиноятларнинг олдини олиш учун яна қандай ишларни амалга ошириш самарали бўлади деб ўйлайсиз?

Б: — Жиноятларнинг олдини олиш учун, энг аввало, юқорида айтиб ўтганимдай, кадрларни мустаҳкамлашимиз керак, улар орасидаги қўнимсизликка чек қўйишимиз лозим. Иккин-чидан, бу ишни фақат милицияга ташлаб қўймай, жамоатчиликни кўпроқ жалб этиши-миз, қўнгилли халқ дружиначилари ишини жонлантиришимиз зарур, ҳар бир давлат ва жамоат корхоналарида, маҳаллаларда аҳоли ўртасида бефарқликка барҳам беришимиз шарт. Бунинг учун давлат миқёсида аҳолининг ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдаги иш-тироки тўғрисида қонун қабул қилиш керак. Умуман олганда, давлат даражасида жиноятларнинг олдини олиш тизимини яратиш, пировард мақсадларни кўзлаган дастурлар ишлаб чиқиш пайти келди.

Бу ишларга давлат ва вазиrлик доирасидагина эмас, балки жойларда — виллоят, туман ички ишлар идораларида ҳам жиддий қаралиб кенг миқёсда киришиш керак. Шундагина кутилган ижобий натижаларга эришиш мумкин бўлади.

М: — Ботир Раҳматович, саманий суҳбатингиз учун ташаккур. Суҳбат сўнггида газетхонларимизга тилак ва истакларингизни билдирсангиз.

Б: — “Постда” газетасининг ўқувчилари қандайдир даражада ҳуқуқ-тартибот ишларига эътибор берадиган, адолатсизликни кўриб ку-юна оладиган, адолатни кўриб суюна оладиган инсонлардир. Мен уларга фаолиятларида муваффақиятлар тилайман, уларни адолатсизликка, ҳуқуқбузарликка, жиноятларга бефарқ бўлмасликка чақираман.

Мурод ТИЛЛАЕВ
суҳбатланди.

Қисқа хабарлар Халқ ризқига чанг солаётганлар...

Бозор иқтисодиёти меҳнаткаш халқларимизни оғир синовлардан ўтказмоқда. Аҳолини халқ истеъмол моллари билан таъминлашда катта қийинчиликларга дуч келинапти. Бундан айрим нопок шахслар, кўпчилик ҳолларда эса савдо ходимлари фойдаланиш пайида бўлмоқдалар. Яқинда Пахтачи туманида халқ учун талон орқали тарқатиладиган молларни пештахта остига яшириб, мўмай фойда кўрмоқчи бўлган шахслар тўғра илнди. Султонобод матлубот жамиятига қарашли 1-дўкон сотувчиси О. С. оз эмас — роппа-роса 47 минг 240 сўмлик, Зиёвуддин матлубот жамиятига қарашли 4-дўкон мудури М. А. II минг 900 сўмликдан ортиқ, “Хумор” матлубот жамиятига қарашли дўкон мудури Э. Я. 5 минг 328 сўмлик молларни яшириб қўйганлиги аниқланди.

....ризқини юлаётганлар

ҲОЗИР қайси бир қишлоқ дўконига борманг, аниқ нархи ёзиб қўйилган молларни учратмайсиз. Шундай бўлгач, сотувчи харидорни ҳар сонияда чув тушириши турган гап. Чунки мол ҳужжатларини ҳар ким ҳам суриштиравермайдди-да. Пахтачида ҳам босар-тусарини билмай қолган “ишбилармон” сотувчилар талайгина экан. Султонобод савдо бирлашмасига қарашли 1-дўкон мудури О. Э. жуда “ботир” чиқиб қолди. У кўзини чирт юмиб, ҳеч тап тортмасдан харидор ҳақидан нақд 1760 сўм юлмоқчи бўлди. С. ў. ҳам ҳамкасбидан қолишмасликка ҳаракат қилди. Туман матлубот жамияти уюшмасига қарашли 40-дўкон мудираси бўлиб ишлаётган бу опамиз холис хизмати эвазига харидордан 1257 сўмни уриб қолди. Ҳарқалай, яна бир дўкон му-дираси Ш. У. сал “инсофироқ” экан. У киши харидор ҳақидан атиги 194 сўм ортиқча олиб, ўз фойдасига адашди.

Иззатулла НОРҚУВВАТОВ,
Ўзбекистон журналистлар
уюшмаси аъзоси.

ХУКМ ЎҚИЛДИ

АВАЗБЕК Йўлдошев 1966 йилда туғилган, 3 нафар фарзанди бор.

Риштон туманининг Жалаер қишлоғида истиқомат қилади, ҳеч қаерда ишламайди. Ғирт безори.

Ўтган йилнинг охирларида у кўшниси Хадича Абдулхолиқовани оиламга аралашгансан деб ҳақоратлаб, уради ва тан жароҳати етказди.

Яқинда туман халқ суди ушбу жиноят ишини кўриб чиқди ва Авазбек Йўлдошевни Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 88-моддаси “А” банди билан айблаб, икки йилга жазолади.

Маҳкамжон ҲАМИДОВ,
Риштон тумани прокурори

ДУШАНБА

20 СЕНТЯБРЬ

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Болалар учун. "Қатрада қуёш акси". 18.35 "Мусаввир". Телефильм. 18.55 "Ёшлик" студияси. "Эъзоз". Меҳнат қаҳрамони Эргаш ота Умиров. 19.25 Ёлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёлонлар. 19.55 "Сўх дарёси бўйлаб". Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 "Дилдан янграган қўшиқлар". 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 Ислохот ҳақида суҳбатлар. 22.00 "Истиқлол илҳомлари". 23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

18.30 "Ассалому алайкум" (такрор). 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Миршкорлар". 20.30 "Лахза". Хабарлар. 20.50 "Билиб қўйган яхши". 21.10. "Ижтимоий муҳофаза мезони". Тошкент шаҳридаги меҳнат биржалари фаолиятдан. 21.40 "Лахза". Хабарлар. 22.00 "Сенинг оstonангда". Бадий фильм.

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан душанба 20 сентябрь куни "Орбита IV" кўрсатувлари соат 15.10 дан бошлаб кўрсатилади.

"ОРБИТА IV"

15.10 "ТУЛАГ"нинг охири чегараси". 15.40 "440 герц". 16.20 "Икболи кулганда". 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.20, 20.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби. 17.25 Эстрада концерти. 17.40 "Хужжатлар ва тақдирлар". 17.45 "Гол". 18.20 "Хафтаннинг акс-садоси". 18.50 "Спорт уик-энди". 19.10 "Турмуш икки чирлари". Бадий телесериал премьераси. 17-серия. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгилар.

"Янги студия" таништиради: 20.25 "Бомонд". 21.05 "Мен". 21.10 "Таржимаи ҳол". 21.50 "АТВ-брокер". 21.55 "Салом!". 22.35 "ТВ-Х".

23.00 Янгилар. 23.40 "Эстрада гардемаринолари" II Россия фестивалининг ёпилиши.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 Ишбилармон кишилар даври. 8.00 Россияда бизнес. 8.30 "Мусликий коллекция". 8.55 "Қутиш зали". 9.50 "Юлдузлар ёғилганда". 11.05 Хонаки экран. "Порла, порла, менинг юлдузим". Бадий фильм. 12.35 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.00 Кундузги сеанс. "Тунда айтилган эртақ". Бадий фильм. 14.15 "Испанияга қуш парвозидаги масофадан назар ташлаганда". Кўп серияли хужжатли фильм премьераси. 3-серия. 14.50 "Бола тилидан". 15.20 Янгилар. 15.30 Мульти-пульти. 15.45 Трансрәсэфир. 16.30 "Ватандошлар".

17.00 — 19.25

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.25 "Ретро-шлягер". 19.55 Душанба куни детектив. "Лаки страйк" таништиради. "Бехосият аёл". Бадий фильм. «Криминал ҳодисалар» сериалидан. 20.50 Спорт кўрсатуви.

Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.30 "Ҳақиқат онлари". 22.25 "Қутқариш хизмати 911". 23.20 "Танаффус". 23.35 Криминал хабарлар экрани.

СЕШАНБА

21 СЕНТЯБРЬ

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 Ёш ижрочилар концерти. 7.50 "Топилмалар идораси". Мультифильм. 1-фильм. 8.00 Мутахассис маслаҳати. 8.10 "Билиб қўйган яхши". 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 "Табиат — мангулик булоғи". Кинопрограмма. 9.45 "Ёшлик" студияси. "Меҳнатим элга манзур".

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Сехрли оҳанглар". Болалар учун концерт. 18.40 "Истиқлол куртаклари". 19.00 "Хирмонингизга барака!". 19.25 Ёлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Дунё воқеалари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Санъат усталари концерти. 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Бевосита мулоқот". Сессияда қабул қилинган Пенсия ҳақидаги қонун шарҳи. Телетошоабинларнинг саволларига Ўзбекистон Ижтимоий таъминот вазирлигининг масъул ходимлари жавоб берадилар. 22.30 Мерос. "Қобуснома". 23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

18.30 "Уолт Дисней таништиради...". Мультифильмлар тўплами. 19.20 "Тоғли Кримнинг кузги жилolari". Телефильм. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Бумеранг". 20.25 "Муслиқали меҳмонхона". 21.05 "Суперспорт". 21.45 "Кинонигоҳ" программаси.

"ОРБИТА IV"

4.55, 14.20, 17.20, 20.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 "Домисолька". 8.40 Мультифильм. 8.50 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.40 "Инсон ва қонун". 10.10 "Янги номлар". 10.50 "Матбуот-экспресс". 11.00 Янгилар. 11.20 "Сарсонлик-саргардонликда". Ўн уч серияли телевизион бадий фильм. 1-серия.

14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Ишбилармонлар хабарномаси". 14.40 "Конверсия ва бозор". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 "Иш". 15.25 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультифильм премьераси. 15.50 "Теледидомлар". 16.10 "Янги номлар". 16.50 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 "Таваккалчилик санъати". 17.50 "Хужжатлар ва тақдирлар". 18.05 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 18.55 "Мавзу". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Янгилар. 20.25 Телефильм премьераси. 20.50 "Ўтмишдаги қўшиқлар". И. Кобзон куйлайди. 21.10 "КТВ-I" ҳамда "Франс интернациональ" канали режиссер Клод Шаброль фильмлари ретроспективасини таништиради: "Мудхш ўн кунлик". Бадий фильм премьераси (Франция).

23.00 Янгилар. 23.40 "Экстронуж". 00.10 "MTV". 01.10 "Матбуот-экспресс".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 Ишбилармон кишилар даври. 8.00 "Ҳақиқат онлари".

11.00 Хонаки экран. "Садқаисар". Бадий фильм. 12.30 Мульти-пульти. 12.40 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.00 "Авлия Богородица рождествоси". Хужжатли фильм премьераси. 13.35 "Кечки салон" саҳифаларида. 15.10 "Рост" студияси. "Такой возраст" ешлар тележурнали. 15.40 Янгилар. 15.55 Трансрәсэфир. "Бешафқат ҳаёт". 16.40 "Жаноблар-ўртоқлар".

17.00 — 19.25

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.25 "Ота-оналар учун эртақлар". 19.55 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 221-серия. 20.45 "Динозаврга айланмайлик".

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.30 "Келинг, аниқлаб олайлик". 21.45 А. Д. Сахаров номидаги II халқаро санъат фестивалида. 22.45 Спорт кўрсатуви. 23.00 "Қисқаси...". 23.30 "Санъат майдони. "Виртуози Москви". Хихонда (Испания).

ЧОРШАНБА

22 СЕНТЯБРЬ

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 Лирик концерт. 7.50 "Топилмалар идораси". Мультифильм. 2-фильм. 8.00 Дунё воқеалари. 8.15 "Халқ амалий санъати". Кулол Мирзабахром Абдувоҳидов. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 Республика газеталарининг шарҳи. 9.10 "Тўй маросими". Хужжатли фильм. 9.40 "Ёшлик" студияси. "Истеъдодларни излаймиз". 10.15 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари. (АҚШ).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Чорвадор". 18.40 Кинолавҳа. 18.45 "Олмадон Хайитова куйлайди". Фильм-концерт. 19.25 Ёлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёлонлар. 19.55 "Тилларанг ришталар жозибаси". Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 "Мустақиллик ва қонунчиликни ривожлантириш". 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 Ислохот ҳақида суҳбатлар. 21.40 Замонавий ўзбек қўшиқларининг "Анор" телевизион танлови. 22.25 "Армон". Бадий фильм. 23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

18.30 "Нур таралган уй". Телефильм. 18.40 "Оддий ва мураккаб ҳақиқатлар". Афғон Сиддик билан мулоқот. 19.30 Ўзбекистон ахбороти (рус тилида). 19.50 "Тошкент: шаҳар юмушлари". 20.50 "Спринг". 21.15 "Кинотриада".

"ОРБИТА IV"

4.55, 14.20, 17.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 Мультифильм. 8.50 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.40 "Савдо кўприги". 10.10 "440 герц". 10.50 "Матбуот-экспресс". 11.00 Янгилар. 11.20 "Сарсонлик-саргардонликда". Ўн уч серияли телевизион бадий фильм. 2-серия.

14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Телемист". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультифильм премьераси. 15.40 "Музограф". 16.00 "Менинг янги онам". 16.20 "700 клуби". 16.50 "Технодром". 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Эфирда Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси. "Салом, бу мен!". 17.50 "Хужжатлар ва тақдирлар". 17.55 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 18.50 "Оперетта менинг муҳаббатим". Г. Ярон. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгилар. 20.20 "Мосфильм" киностудиясининг 70 йиллигига. "Инсон тақдири". Бадий фильм (1959 й.). 22.10 "Муслика эфирда". 1-қисм. 23.00 Янгилар. 23.40 "Муслика эфирда". 2-қисм. 00.20 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида. 00.35 "Матбуот-экспресс". 00.45 "Парадиз-коктейль".

"ДУБЛЬ IV"

7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 Ишбилармон кишилар даври. 8.00 "Мўмин-қобил йўлбошчилар". 8.25 Христианлар учун кўрсатув. 8.55 "Параллеллар". 9.10 Буржлар туркумидан. 9.40 "Ретро-шлягер". 10.10 "Тажрибалар". Хужжатли фильм премьераси. 10.30 "Балет, балет...". Стокгольмдаги еш раққослар танловида. 11.30 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 221-серия. 12.20 Ишдан бўш пайтингизда. "Иш устасидан кўрқадим". 12.35 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.00 Киноқиссалар. "Шавкатли ишлар бошида". Бадий фильм. 2-серия. 14.05 "Бизнес: янги номлар". 14.20 Мульти-пульти. 14.50 "Рост" студияси. "Мусликий синф". 15.20 Янгилар. 15.35 "Театр сафари". "Гастроллар, гастроллар...". 16.10 Трансрәсэфир. "Узоқ Шарк".

17.00 — 19.05

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.05 "L-клуб". 19.50 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 222-серия. 20.40 "Леда Гамилтон". Видеоклип премьераси. 20.45 Спорт кўрсатуви.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 "Қсуюна хузурида". 21.55 "60 дақиқа". Си-Би-Эс ва Россия телевидениесининг кўрсатуви. 22.55 "Мудхш серкираллик ёки омадди Пьесух". 23.40 "Экзотика".

ПАЙШАНБА

23 СЕНТЯБРЬ

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 Мумтоз қўшиқлар. 7.50 "Топилмалар идораси". Мультифильм. 3-фильм. 8.00 "Тандир, арча, олов". Телефильм. 8.15 "Қувнок болалар". 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 Матбуот саҳифаларида (рус тилида). 9.10 "Ёшлик" студияси. "Сенинг замондошинг". 9.50 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Болалар учун. "Қуёшни қулдирган қизалоқлар". 18.45 "Шеърят дафтаридан". Турсун Али. 18.55 "Истиқлол фарзандлари". Республика Миллий хавфсизлик хизматининг икки йиллигига бағишланади. 19.25 Ёлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёлонлар. 19.55 "Қуй ва соз соҳиб". Ўзбекистон халқ артисти Абдумутал Абдуллаев. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Кинолавҳа. 20.30 "Миразиз куйлаганда". "Ўзбектелефильм" премьераси. 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Хукукий давлат сари". Ўзбекистон Олий мажлисида сайловлар тўғрисидаги қонун лойиҳаси — умумхалқ муҳокамасида. 22.00 Мукарамма Турғунбоева таваллудининг 80 йиллигига бағишланган концерт. Алишер Навоий номидаги Давлат опера ва балет театридан ёзиб олинган. 23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

18.30 Болалар учун "Табассум". 19.00 "Эхтисот бўлинг, олов!". 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Мусликий дақиқалар. 20.00 "Пульс". Хабарлар. 20.15 "Тошкент оқшомлари". 21.40 "Пульс". Хабарлар. 21.55 "Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан". 22.25 "Кинонигоҳ" программаси.

"ОРБИТА IV"

4.55, 14.20, 20.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 "Джем". 8.50 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.40 "Дуненинг томонлари". 10.05 "...16 ешгача ва ундан катталар". 10.50 "Матбуот-экспресс". 11.00 Янгилар. 11.20 "Сарсонлик-саргардонликда". Ўн уч серияли телевизион бадий фильм. 3-серия.

14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Телемист". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 "Тедди Ракспиннинг

саргузаштлари". Кўп серияли мультифильм премьераси. 15.40 "Қуз тароналари". Хужжатли фильм. 15.50 "Джэм". 16.20 "Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?". 16.40 "...16 ешгача ва ундан катталар". Танаффус пайтида (17.00) — Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.50 "Мусликий жилolar". 18.05 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 18.55 "Жамоатчилик фикри". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёлонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 "Жамоатчилик фикри" (давоми). 20.40 "Миниатюра". 20.55 "Кинопанорама". 21.35 "Матбуот-экспресс". 22.00 "Пародиячи санъаткор М. Грушевский бенефис". 23.00 Янгилар. 23.40 "Орол". Мусликий кўрсатув.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 Ишбилармон кишилар даври. 8.00 Тонгги концерт. 8.15 "Яхшилик қил". 9.00 "Пилигрим". Россия саёҳатлар бюроси. 9.45 "Ҳайвонот оламида". 10.45 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 222-серия. 21.35 Рус романси. 12.15 "Ҳали англамаган қонинот". 12.45 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.10 "Аниматека". 14.00 "Сатириконт" студияси. "Лицедейлар". 15.10 Янгилар. 15.25 Санъат майдони. "Виртуози Москви". Хихонда (Испания). 16.10 "Алгоритмлар". 16.40 "М-трест".

17.00—19.05

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.05 "Ватаним менинг". 20.00 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 223-серия. 20.50 Спорт кўрсатуви.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.30 "Шаҳарнинг бир куни". "Дайджест". Мусликий кўрсатув. 22.15 Криминал хабарлар экрани. 22.30 "Хроно". Авто ва мото спорт оламида. 23.00 "Мусликий синов".

ЖУМА

24 СЕНТЯБРЬ

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Озода, гузал ўлкам". Концерт. 7.50 "Топилмалар идораси". Мультифильм. 4-фильм. 8.00 Мутахассис маслаҳати. 8.10 "Аждодлардан мерос дўстлик". "Ўзбектелефильм" премьераси. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 Немис тили. 9.30 Болалар учун фильм. "Писмиқ". 10.10 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Меъморчилигимиз тарихидан". 18.50 "Қуз лавҳалари". Телефильм. 19.00 "Пахта теримини намунали ўтказайлик". 19.25 Ёлонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёлонлар. 19.55 Дунё воқеалари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 "Қуёшга юз чайган водий, далалар". Пахтакорлар учун концерт. 20.55 Ёлонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 Ислохот ҳақида суҳбатлар. 21.40 "Хотира". Ака-ука Сўфихоновлар. 22.50 "Навоийнинг ширмойи наонлари". "Ўзбектелефильм" премьераси. 23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

18.30 Болалар учун фильм. "Сехрли най". 18.55 "Тағо услубида". Кино-концерт. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Ёшлик" студияси. "Зие". 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Ижтимоий сиёсат — ҳаётимизнинг бош мезони". 22.00 "Қалтис қўниш". Бадий фильм (рус тилида).

"ОРБИТА IV"

4.55, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 Эртақ хузурида меҳмонда.

“Уч бакалок”. Бадий фильм. 10.00
“Саёхатчилар клуби” (сурдо таржимаси билан). 10.50 “Матбуот-экспресс”. 11.00 Янгилар. 11.20 М. Горький. “Меъчанлар”. М. Горький номидаги Ленинград Катта академик драма театрининг фильм-спектакли.

14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.20 “Бридж”. 14.45 “Бизнес-класс”. 15.00 Эртақ хузурида меҳмонда. “Уч бакалок”. Бадий фильм. 16.40 Балет артистлари VII халқаро танловининг кундалиги. 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.20 “Эркин савдонинг нур ва соялари”. 17.40 “Инсон ва қонун”. 18.15 “03 вагон”. 18.45 “Мўъжизалар майдони”. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 “Хафтаннинг машхур киши”. 20.40 “Детективлар клуби”да. “Сунни”. Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 12-серия. 21.40 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида.

“ВИД” таништиради
21.55 “Политбюро”. 22.30 “Музобоз”. 23.50 “Авто-шоу”. 00.05 “Х” кўрсатуви. 00.30 “Хит-конвейер”. Танаффус пайтида (23.00) — Янгилар. 01.35 “Матбуот-экспресс”.

“ДУБЛЬ IV”
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 Ишбилармон кишилар даври. 8.00 “Минора”. Мусулмонлар учун диний кўрсатув. 8.30 “Параллеллар”. 8.45 “Галаба одимлари” телемарафони. Смоленскдан кўрсатилади. 10.45 “Жель”. 11.05 “Жентельмен-шоу”. 11.35 Хонаки экран. “Санта-Барбара”. Кўп серияли бадий телефильм. 22.3-серия. 12.30 “Дехқонларга тааллуқли масала”. 12.50 “Рус ижозатномаси”. 13.20 Трансросэфир. “Ойна”. 13.50 Видеошериат. Федор Тютчев. 14.10 “Танаффус”. А. Малинин куйлайди. 14.25 “Рост” студияси. “Кимнинг томони?”. 14.55 Янгилар. 15.10 Жума кунлари Дисней. “Қолдиқлар”. Бадий фильм. 2-серия. 16.00 “Осийишталик №9”.

17.00—18.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.50 “Кузги марафон”. Бадий фильм. 20.20 Театр сафари. “Кувнок спектаклидаги мунгли мусиқа”. Леонид Трушкиннинг янги иши.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 “Юлдузлар билан суҳбатда”. 21.30 Спорт кўрсатуви. 21.40 Стас Намин (Эс-Эн-Си) маркази таништиради. “Сарик сув ости кемаси” клуби. 22.10 “К-2” таништиради. “Халқ фраки”. 23.10 “Мусиқий коллекция”. 23.35 Тунги сеанс. “Танс”. Бадий фильм (Польша).

ШАНБА 25 СЕНТЯБРЬ

УЗТВ I
6.30 “Ассалом, Ўзбекистон!”. 6.40 “Соғлом бўлай десангиз...”. 7.00 “Ўзбекистон” ахбороти. 7.30 Эстрада тароналари. 7.50 “Сахий эртақ”. Мультифильм. 8.05 Дунё воқеалари. 8.20 Шифокор маслаҳати. 8.30 “Ўзбекистон” ахбороти (рус тилида). 8.50 “Соғлом бўлай десангиз...”.
* 9.00 Республика газеталарининг шарҳи. 9.10 “Қуёш ҳаманда”. Бадий фильм. 10.20 Хинд тили. 10.50 Самбо. Ўзбекистон кубоги мусобақалари. 11.20 “Ёшлик” студияси. “Ўзингни эр билсанг”. 12.00 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти. 12.30 “Ёшлик” студияси. “Қизлар давраси”.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. “Қўшигим, жон қўшигим”. 18.45 “Тошкентлик лочин”. Телефильм. 19.00 “Сихат-саломатлик”. 19.30 “Ўзбекистон” ахбороти. (рус тилида). 19.50 “Ўзбекистон — Ватаним маним”. “Ўзбектефильм” премьераси. 20.10 Окшом эртақлари. 20.25 “Рақслар гулдастаси”. 21.00 “Ўзбекистон” ахбороти. 21.30 “Санъат усталари”. Ўзбекистон халқ ҳофиза Ҳасан Ражабий. 22.50 Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллиги. Республика театрлари телевидение фестивали. Мирзо Фатали Охундов.

“Фирибгар ва нодонлар”. Фаргона вилоят театрининг спектакли. 00.40 “Тунги еғду”. Дам олиш кинопрограммаси.

УЗТВ II
18.30 “Амир Темур йўлларида”. Видеофильм. 19.30 “Ўзбекистон ахбороти (рус тилида). 19.50 Ретро услубида концерт. 20.40 “Шахрисабз”. Телефильм. 21.00 “Ўзбекистон ахбороти”. 21.30 “Оилавий ҳаётдан лавҳалар”. Бадий фильм.

“ОРБИТА IV”
5.45, 14.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.50 Эрталабки гимнастика. 6.00 “Матбуот-экспресс”. 6.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 6.55 Янгилар. 7.30 “Моторлар оламида”. 8.00 “Марафон-15” кичкинтойларга. 8.30 Эфирда — Давлатлараро “Мир” телерадиокомпанияси. 9.55 “Шеърят альбому”. 10.15 “Мулкдор алифбоси”. 10.25 “Рус қурол-яроғи”. 11.20 Л. Трухина куйлайди. 11.30 “Хукумат кишилари”. 11.45 Режиссерлар В. Краснополский ва В. Усков фильмлари. “Тунги эрмаклар”. Бадий фильм 1 ва 2-сериялар. 14.00 Янгилар. 14.25 “Пеппи Узун пайпоқ”. Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия. 14.55 Тиббиёт Сиз учун. 15.25 Пул ва снесат. Халқаро муносабатлар иқтисодиёт кўзгусида. 15.55 Ультро-си. Спорт кўрсатуви. Халқаро мотопойга. 16.35 “Шостакович табассуми”. Хужжатли фильм премьераси. 16.55 “Қизил квадрат”. 17.35 “Дилхушлик”. 17.55 “Қойилмаком еттовлон”. 18.50 “Қолабня пикчерс” таништиради. “Ти Джей Хукер”. Етти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 6-фильм. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар. 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгилар. 20.25 “Қолабня пикчерс” таништиради. “Бундан буён ва асрдан асрларга”. Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 3-фильм. 1-қисм. 21.25 “Резонанс” студияси таништиради. 21.45 “Матбуот-экспресс”. 22.00 “Буржлар белгиси остида”. Танаффус пайтида (23.00) — Янгилар.

“СНО-ВИДЕНИЕ” тунги канали
00.05 Шоу-бизнес янгиларлари. 00.30 “Спорт”. 00.40 Шу ойнинг унта энг яхши мусиқаси.

“ДУБЛЬ IV”
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 “Оламга ўз нигоҳи билан қараш”. 7.55 “730-формула”. 8.25 “Хали анланмаган қонинот”. 8.55 “Рост” студияси. “Гўзал қизлар”, “Бизнинг “Аралаш”. 9.25 “Пилигрим”. Россия саёхатлар бюроси. 10.10 “Изабель”. Дам олиш викторинаси.

10.55 — 13.55
“ЎЗБЕКИСТОН” ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
10.55 “Мамлакатлар, воқеалар, одамлар”. 11.05 “Америка. Ўтмишга ва келажакка назар”. 11.35 “Толенингдан абад истиқлол”. 12.20 “Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда”. 12.40 “Американинг ҳайвонот дунёси”. 1-кўрсатув. 13.10 “Шарқ дурдоналари”. 13.40 “Бу ажиб дунё”.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
13.55 Кино музейи. “Екимсиз латифа”. Бадий фильм. 15.50 “Намуна нусхаси”. 16.00 “Тилла шпора”. 16.30 “Бола тилидан”.

17.00 — 19.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.00 “К-2” таништиради. “Америка юлдузлари”. 19.30 “Сатирикон” студияси. “Юлдузлар театри”.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 “Юлдузлар билан суҳбатда”. 21.30 Спорт кўрсатуви. 21.40 “Экспомарказ” таништиради. 21.45 “Мутлақо махфий”. 22.45 “Шаҳарча”. Дам олиш кўрсатуви. 23.10 “Қауштаун”. Оммабон куйлар янгиларлари. 00.10 Телеэкранда — премьераси. “Хоҳласам, севиб қоламан”. Бадий фильм.

**ЯКШАНБА
26 СЕНТЯБРЬ**
УЗТВ I
7.00 “Ассалому алайкум”.

8.00 “Ўзбекистон” ахбороти. 8.30 “Мўъжизакор гўзаллик сирлари”. Телефильм. 9.00 “Маҳобҳорат”. Кўп

қисмли телевизион бадий видеофильм (Хиндистон). 33-34-сериялар. 10.30 Форс тили. 11.00 “Шифобахш ўсимликлар маскани”. 11.30 “Ёшлик” студияси. “Фахрийлар — фахримиз”. 12.10 “Қўшиқ рақса уланса”. Хумайра Ихтиёрова, Абдурашид Исоков. 12.35 “Ёшлик” студияси. “Талабалик йилларим”.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. “Санъат гунчалари”. 18.30 “Либослар жинҳоси”. 18.45 “Ойнаи жаҳонда”. 19.00 Миллий кураш. Баҳовуддин, Нақшбанд хотирасига бағишланган халқаро турнир. 19.30 “Хафтаном” (рус тилида). 20.00 “Гуллар юртининг дурдоналари”. Телефильм. 20.10 “Гўзаликка интилган умр”. Абдулҳак Абдуллаев. 21.00 “Хафтаном”. 21.40 “Мусиқа жавони”. 22.10 “Сиз кутган дақиқалар”. Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Саъдиев. 23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УЗТВ II
17.00 — 23.00 “ОМАД” таништиради.

“ОРБИТА IV”
6.40, 15.15, 22.35, 00.15 — Кўрсатувлар тартиби. 6.45 Эрталабки гимнастика. 6.55 “Рухни чиниктириш”. 7.55 Янгилар. 8.30 “Авто-шоу”. 8.45 “Технодром”. 9.00 “Марказ”. 9.30 “Эрта саҳарлаб”. 10.00 “Ҳамма уйдалигида”. 10.30 “Спортлото”. 10.45 “Полигон”. 11.15 “Марафон-15”. 11.55 “Эпкин езувлар ёки Венециядаги ўлим”.
“КТВ-1” ҳамда “Франс интернациональ” канали таништиради. 12.20 “Кусто командасининг сувости одиссеяси”. Кўп серияли хужжатли фильм премьераси.

13.20 П. И. Чайковский хотирасига. М. Ростропович раҳбарлигидаги АҚШ миллий симфоник оркестрининг концерти. Қизил майдондан олиб кўрсатилади. 14.40 Крилатскоедда эшак эшиш бўйича марафон. 15.00 Янгилар. 15.20 Эфирда — “Мир” телерадиокомпанияси. 16.00 “Саёхатчилар клуби”. 16.50 “Хунарли хор бўлмайди”. 16.55 “Каспер ва унинг дўстлари”. “Ҳақиқий ажина овловчилар”. Мультифильмлар премьераси. 17.45 “Панорама”. Хафталиқ халқаро кўрсатув. 18.25 Мультифильм. 18.45 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 19.00 “Вячеслав Малежик билан ярим соат”. 19.40 “Қурол танлаш”. Бадий фильм премьераси (Франция, 1993 й.). 1 ва 2-сериялар. 21.55 Эълонлар. 22.00 Янгилар. 22.40 “Эндиликда”. Диний кўрсатув. 23.40 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида. 24.00 Янгилар.

Тунги эрмаклар.
00.20 “Шоу-лотерея”. 00.50 “Сканерлар-2”. Бадий фильм (АҚШ).

“ДУБЛЬ IV”
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.25 “Ҳазиналар ярим ороли”. Хужжатли фильм премьераси. 2-серия. 8.55 “Хайрли тонг!”. 9.25 “Сиз яратган юз”. 9.55 “Рост” студияси. “Космос сабоқлари”. “Қуни узайтирилган гуруҳ”. 10.25 “Здоровье”. 10.55 Фольклор. “Францияга муҳаббат билан...”. 11.25 “Ати-бати...”.

11.55 — 16.05
“ЎЗБЕКИСТОН” ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
11.55 “Мамлакатлар, воқеалар, одамлар”. 12.05 “Жаҳон ва биз”. 12.50 “Безнен мирас” (татар тилида). 13.45 “АҚШда кичик бизнес”. 14.15 “Ўзбекистонда фан”. 15.15 “Американинг ҳайвонот дунёси”. 2-кўрсатув. 15.45 “Бу ажиб дунё”.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.05 Диснейнинг сеҳрли олами. “Винни-Пухнинг янги саргузаштлари”. “Қора плашч”. 16.55 “Арт-обстрел. 18.20 Хар бир кун байрам. 18.30 “Қораялоқлар сирин” Бадий фильм.

20.05 — 22.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.20 “Юлдузлар билан суҳбатда”. 22.25 Си-Би-Эс кинотеатри. “Манго шаҳарга қайтади”. Бадий фильм. 23.55 “А” программаси.

(“Тошкентдан гапиримиз ва кўрсатамиз” газетасидан).

"ТЕМИР ДАФТАР" - ИШОНЧЛИ ЁРДАМЧИ

Милиция фахрийларининг эслашларича, урушдан кейинги йилларда участкаларнинг тезкор вакиллариди “темир дафтар” бўлган, унда улар ўз фаолиятларини қайд этибгина қолмаганлар, балки ўз ҳудудларида яшовчи кишиларнинг рўйхатини, муҳим ҳисобланган ахборотларни ҳам ёзиб қўйганлар.

Бундай дафтарлар ўзининг ҳажми ва унда тўпланган ахборот билан қизиқиш уйғотарди. Уларга қараб кўпинча бутун бир авлоднинг ҳаёт йўлини кузатиш мумкин эди.

Участка вакили билмайдиган оила амалда йўқ эди, шунинг учун унинг аҳоли ўртасидаги обрўси катта эди.

Маълум вақтдан сўнг бу дафтарлар ўрнини милиция участка вакилларининг ўзига ҳос фаолияти билан янада кўпроқ боғланган бошқа иш қозғалари эгаллади, тўлдириш мажбурий бўлган реквизиитлар пайдо бўлди.

Хизмат кўрсатилётган ҳудуд учун паспортларни, имтиёзли хужжат мажмуаларини амалиётда жорий қилишга бир неча марта уриниб кўрилди, лекин бу янгилар турли сабабларга кўра ўзлашмади. Кўплаб зарур ва нозарур бўлимларнинг мавжудлиги уларнинг қамчиликларидан бири эди. Шунинг учун участка вакиллари заруратдан келиб чиқиб, кундалиқ ишда керак бўладиган бўлимларининггина тўлдирилди. Тўлдирилмаган бўлимлар эса бошланган иш гўё тугалланмаганидек ноҳуш таассурот қолдирарди.

“Темир дафтарлар”та кўпинча паспортда кўзда ташланмайдиган исталган ахборотни киритиш мумкин бўлгани учун Тошкент вилояти ИИБ участка вакиллари ўз фаолиятларини ҳисобга олиш ва хизмат кўрсатадиган ҳудудларида турлича маълумот тўплашнинг ана шу унутилган шаклига қайтдилар.

Масалан, хизмат кўрсатиладиган ҳудудда яшовчи кишиларнинг норасмий етакчиларини олайлик. Участка вакили уларни “темир дафтар”да иккита бўлимга киритади:

— ижобий йўналишдаги етакчилар (яъни аҳоли ўртасида катта обрўли, фикри шубҳа уйғотмайдиган кишилар);

— ҳулқ-атвори салбий йўналишдаги етакчилар. Бу тоифага одатда илгари судланганлар қиради. Уларнинг атрофига ўзига ўхшаганлари йиғилади. Жиноят қилишга мойил бўлган кишилар ҳам яна шундай етакчиларнинг сўзига қулоқ солади. Ўз қақариқлари ва ҳатти-ҳаракатлари билан улар милиция участка вакили хизмат қилаётган ҳудуддаги вазиятни анчагина кескинлаштириб юборишлари мумкин.

Кўп участка вакиллари томонидан мавсумий ишлар учун вилоят ва ҳатто республика ҳудудидан чиқиб кетаётган кишилар ҳақидаги маълумотларни “темир дафтар”ларга киритилиши фойдадан ҳоли эмас, менимча. Аввало улар вақтинча қолдирган уй-жойларни қўриқлаш учун чоралар кўриш имконини беради. Амалиётнинг кўрсатишича, бундай кишилар ўз уйларини

қараб туришлари учун кекса кишилар ёки ўсмирларга қолдириб кетадилар. Шунинг учун бундай уйларга эътибор бериш ўғирликларнинг олдини олиш имконини беради.

Мол боқувчи кишилар тўғрисидаги ахборот ҳам қимматлидир. Биринчидан, ҳар бир мол эгаси билан шахсан профилактика иши олиб бориш имконияти бўлади. Иккинчидан, улардан мол боқиладиган жойларни аниқлаш ва молларни ўғирлашга йўл қўймасликка доир тегишли чораларни кўриш мумкин.

“Темир дафтар” одатда икки қисмдан иборат бўлади. Биринчи қисмда шахсий уйларда, кўп хонадонли уйларда яшайдиган аҳолининг рўйхати берилади, улар хусусида муфассал маълумотлар кўрсатилади.

Бу ахборот қишлоқ Кенгашиларидаги ана шундай аҳоли рўйхатлари билан солиштирилади, ҳар доим у тўлдириб борилади.

Иккинчи қисмдаги қўшимча ахборотдан участка вакиллари турли можароларни тинчатишда фойдаланадилар.

Масалан, Юкори Чирчиқ туманида тўй бўлди. Тўйда қуёвнинг танишлари келиннинг кўшини хўжалиқдан келган меҳмонлари билан жанжаллашиб қолдилар. Жанжал катта можарога айланиб кетай деб қолди. Участка вакили А. Умурзоков “темир дафтар”даги маълумотлардан келиб чиқиб, жанжаллашувчи иккала томоннинг обрўли кишиларини бошлаб келди. Улар “Политотдел” жамоа хўжалигининг кўкаламзорлаштирувчиси У. Мўминов ва Тинчлик қишлоқ Кенгашининг раиси А. Иброҳимовлар эди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан иккала томонни келиштиришга муваффақ бўлиди.

“Темир дафтар” жиноятларни очишда ҳам катта ёрдам кўрсатмоқда. Масалан, Янгийўл туманидаги САИМЭ шаҳарчасида фуқаро А.нинг уйдан қимматбаҳо нарсалар ўғирланган, гувоҳларнинг айтишича, бу вақтда улар шубҳали машинани ҳам, нотаниш кишиларни ҳам учратишмаган. Шу сабабли участка вакили ўғирликни бу уйни яхши биладиган шу ерлик киши қилган деган фикрга келди.

Керакли маълумотларни пухта ўрганиб чиққан милиция катта участка вакили А. Смойлов ўғирлик учун аввал судланган Р.га эътибор қилди. Унинг охири яшаш жойи бўйлаб сўнгги текшириш ҳам у ҳали ишламаётганини, лекин пулни аямай сарфлашини кўрсатди. Жиноят-қидирувнинг тезкор ходимлари у билан шугулланишганида, Р. қимматбаҳо нарсаларни ўғирлаганини бўйнига олди.

Фикримча, милиция участка вакилларининг иш фаолиятига “темир дафтарлар” еки қўшимча ахборот журналларини татбиқ қилиш уларнинг тезкор ва жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини такомиллаштиришда яхшигина мадад бўлади.

Ш. АХМЕДОВ,
милиция подполковниги.

Учкўприк туманидаги “Комсомол” жамоа хўжалигида яшовчи уй бекаси, 1960 йилда туғилган С. Й. нинг тўрт ойлик Рўзали исмли ўглини номаълум шахс туман бозори олдида ўғирлаб кетди. Жиноятчини ушлаш учун барча чоралар ишга солинаётган.
 (“Постда”, 1993 йил, 16 июль)

Фаргона вилояти, Учкўприк туманилик Софийахон Йўлдошева Наманган бозорларининг таъриф-тавсифини кўп эшитган. Шу боис шаҳарни бир кўриш орзусида эди. Аниқроғи, уй-рўзгор буюмлари, болаларига кийим-кечак дегандай нарсаларни харид қилишни кўнглига тукканди. Хуллас, София 27 июнь куни II ёшли жияни Зулайхо ҳамда тўрт ойлик чакалоғи Рўзалини олиб, Наманганга келади.

Якшанба куни. Шаҳар марказидаги “Дехқон бозори” ниҳоятда гавжум. Одам кўплигидан расталар оралаб юриш амримаҳол эди. Бунинг устига кун тандирдай қизиган маҳал. Бунақа вақтда бола билан бозор айланиш осон дейсизми? София салқинроқ жойни топиб, Рўзалини жиянига қолдираркан, унга қайта-қайта ўрнидан жилмасликни тайинлади-да, ўзи одамлар гужгон ўйнаётган бозор оралаб кетди.

Жувон расталарни айланиб, ул-бул харид қилиб, йигирма дақиқача юрди. Она экан-да, кўнгли қандайдир ёмон бир нарсани сезгандай оломон орасида урилиб-сурилиб жияни ва ўглини қолдирган жойга ошиқди. Ниҳоят, одамлар тўдасидан бир амаллаб ериб чиқдию ёлғиз ўзи атрофга

Якшанба Кўни Бозорда...

жовдираб турган жиянига кўзи тушди. Ўғилчаси йўқ! Зулайхо йиғламоқдан бери турибди. Қизчанинг ёнига келгунча София гўё минг қақирим дашту сахро оралаб чопиб келгандай ҳаллослаб қолди.

— Уканг, Рўзали қани?! — дея сўради у тили зўрга калимага келиб.

— Битта хотин: “Менга бер, кўтариб, айлантириб келаман”, девди, — жавоб қилди Зулайхо ҳиқиллаганича. — Ўша хотин сизнинг танишингиз экан.

Онанинг бутун вужуди музлаб кетди.

— Мени Наманганда танишим нима қилади?! Ўша хотин ўлгурнинг ранги-рўйини, ҳеч бўлмаса кийими қанақалигини эслаб қолдингми?

— Кўйлаги қизил эди.

София бўзлаганча ўзини чор тарафга урди. Елиб-юғуриб қизил кўйлакли аёлни излади...

Йўқ, жигарпораси топилмади. Бозор радиоси орқали берилган эълон ҳам натижасиз. Охири ҳолдан тойган, йигидан қовоқлари шишиб кетган она милицияга хабар берди.

Осойишталик посбонлари дарров оёққа туришди. Наманган шаҳар ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосарлари Абдурахим Юнусов, Ақромжон Охунжоновлар бошчилигида қидирув гуруҳи тузилди. Таркибига терговчи В. Анбаров, жиноят-қидирув бўлинмаси бошлиғи З.Шукуров, тезкор вакил М.Аҳадов, участка нозири Т.Худойбергеновлар кирган

гуруҳ фаол ҳаракат бошлади.

Жиноят изи қарийб йўқ хисоби. Фақат Рўзалини олиб кетган аёлнинг кўйлаги қизил рангдалиги маълум, холос. II ёшли Зулайхо бола ўғрисининг бошқа белгиларини эслаб қололмаган. Вақт эса ўтиб борапти. Бу еқда боласидан айрилган онанинг афтодохол киефаси. Гуруҳ бундай пайтда ишга солинадиган барча тажриба ва воситаларни қўллади. Қисқаси, тезкор гуруҳ аъзолари шу кунни тўни билан мижджа қоқишмади...

Ниҳоят, Рўзалини айлантириб келиш баҳонасида олиб кетган, шўрлик онани сал бўлмаса юрак ўйноғи қилиб кўяёзган, қидирув гуруҳи аъзоларига фақат қизил кўйлақда эканлигигина маълум бўлган бола ўғриси Тўрақўргон туманининг Октош шаҳарчасидан топилди. У шу шаҳарчада турувчи Киёфатхон исмли аёл бўлиб чиқди. Киёфатхон болани ўзининг фарғоналик таниши — Гулзодага аллақачон ошириб улгурган экан...

Рўзалисини эсон-омон ҳолда гуруҳ аъзолари кўйда кўрган София Йўлдошеванинг кўзлари жикка ёшга тўлди. Ўғилчасини маҳкам бағрига босди. “Раҳмат, минг раҳмат!!! Бутун умр сизлардан миннатдорман!” — дерди онаизор йиғлай туриб.

Киёфатхон нима ниятда чакалоқни ўғирлаб кетди? Болани нима қилишмоқчи эди икки дугона? Бу саволларга керакли жавобни тегишли одамлар ҳадемай топишади.

И. КАРИМОВ,
милиция майори.

ИЧКИЛИК САБАБ...

Шу йилнинг 13 июль куни соат ўн саккиз яримларда навбатчилар милиция майори Т. Халилов ва унинг ёрдамчиси Р. Маҳматқуловларга Чиноз тумани марказий шифохонасида тан жароҳати олиб, ҳалок бўлган бир кишининг жасади олиб келинганлиги тўғрисида хабар қилинди.

Милиционерлар зудлик билан бу хабарни туман ИИБ бошлиғи ўринбосари Ф. Дурумбетовга етказишди.

Ф. Дурумбетов, Н. Юнусов, С. Фаттоҳов, Р. Исомбоев, М. Муродов, Ж. Толипов, Д. Мамбетовлардан иборат тезкор гуруҳ тузилиб, дарҳол воқеа жойига етиб бордилар. Тезкорлик иш берди. Жиноятчи топилди ва қўлга олинди.

Жабрланувчи (марҳум) Бўрибой Каримов — 1968 йилда туғилган, Тошкент шаҳар Чигатой маҳалласида яшаб келган. Вақтинча ҳеч қаерда ишламайди.

Жиноятчи (қотил) Мурод Каримов — 1958 йилда туғилган, Чинозда истикомат қилади.

Улар... ака-ука эдилар. Ўша кунни Бўрибой акасиникига меҳмонга келувди. Ака-ука роса ЯЙРАБ ичишди, МАСТ бўлишди. Кейин ораларидан гап қочди ва Мурод Бўрибойнинг қорнига пичоқ санчди. Бир лаҳзада уканинг жони узилди...

Буни ТАРБИЯСИЗЛИКнинг оқибати, ЛАЪНАТИ ИЧКИЛИКнинг ниҳояси дейдилар!..

Ботир ЗУХУРОВ,
Чиноз тумани ИИБ бошлиғи,
милиция капитани.

Адабиёт ҳақида гап кетганда, кўпинча улугъ ёзувчи Федор Достоевский, унинг асарларини эслаймиз. Унда ёлғизлик гўзал бир тарзда ифодаланса ҳам, у инсониятнинг йирик фожиаси экани барибир, қайси маънодадир, айтиб ўтилади. Маркесда-чи? Унда ёлғизликнинг асл башараси ҳеч қандай гўзал ифодаларсиз очиб ташланади. Бу асарларда ёлғизлик инсониятнинг асл фожиаси экани ифода қилинади ва одамларни бундан огоҳлантирмоқчи бўлишади. Инсоният эса...

Гап сал бошқача бошланган бўлишига қарамай бутун адабиёт хусусида эмас, балки ёлғизлик ҳақида гап юритмоқчимиз. Зеро бу ерда ушбу сўзни фақат инсониятнинг якка қолиши маъносида тушунамаслигини сўраймиз. Бу анча кенг тушунчаки, агар сизни ҳам кенг шаҳар ўртасида 4-5 безори куппакундузи, одамларнинг кўз ўнгидан бир-икки дўппослаган бўлса, ушбу сўзнинг маъноси, ҳеч бўлмаганда, одамлар ўйлаганчалик тор эмаслигига ишонч ҳосил қиласиз.

Биз сизни аслида икки жиний иш билан таништирмоқчи эдик.

Бу воқеа шаҳарда, содда, тез ва аҳмоқона бир тарзда кечган: Вячеслав кечга яқин бирга ишлайдиган ўртоқлари — Рустам, Михаил, Андрейларни олиб ҳаммаси Темуран қарзини ундириш учун уйига боради. Темураннинг ёнида пули йўқ бўлгани учунми ёки бергиси келмадими, ишқилиб маош олгандан сўнг қайтараман қарзингни деб туриб олди. Гапдан гап чиқдию Андрей Темуран билан айтишиб қолди. Ўзаро жанжал кўп давом этмади. “Меҳмон” “меҳмон”нинг қулоқ чаккасига мушт туширди. “Қарздор” ҳам уйдан пичоқ кўтариб чиққан экан, шартта уни Андрейнинг қорнига санчди.

Орада бўлиб ўтган воқеаю ҳаракатлар шу. Кишини ҳайрон

қолдирадигани ҳам — унинг тезлиги. Ишқилиб эриш туюлади-да: ҳаммаси қандайдир ўйиндай кечаётгандай. Умуман, бизда бафуржа ўйлашга имкон борлиги учун ҳам ўзимизга ҳар хил ақлли гаплару насиҳатлар қилаверишимиз мумкин. Ўша — воқеалар юз бераётган пайтда ҳаммаси бошқача кечган бўлса ажаб эмас. Аммо нима бўлишидан қатъи назар, ҳеч ким ўша пайтда пичоқлагандан ҳам, пичоқлангандан ҳам ўйлаш имконини олиб қўйган эмас. Майли, бу ёғи нима бўлганда ҳам

ЁЛҒИЗЛИККА МАҲКУМЛАР ҚАЙТА ТИРИЛМАЙДИЛАР

биз у ҳақда гапирмоқчи эмас эдик. Андрей қорнидан қонини оқизиб уйига кетди. Она унинг аҳволини кўриб, эҳсонаси чиқиб кетай деди. Она-бола шаҳардаги 17-касалхонага мурожаат қилишди. Хуллас, Андрейнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Надоматлар билан айтиб ўтиш керакки, воқеалар ҳар доим ҳам шу тарзда яхшилик билан тугайвермайди. Ҳамма ҳам онасининг олдида етиб боравермаслиги мумкин-ку...

Тошкент шаҳрининг Чуқурсой кўчасида Ботир исмли бир йигит истикомат қиларди. Доимий равишда масжидга қатнар, имонли, тақводор йигит эди. Ўша кунни кечга яқин уйга қайтаётган эди. Аммо у билмас эдики, шу шаҳарда ҳеч қаерда ишламайдиган, олдин судланган Алексей исмли йигит ҳам яшар, у ҳам айни чоғда вино излаб йўлга чиққанди.

... Ботир икки нотаниш кишига дуч келди. Уларнинг кайфи тароқ, орзидан боди кириб, шоди чиқарди. Улар Ботирни тўхташиб, бошини қотира бошлашди. Икки ўртада жанжал чиқиб, безорилардан биттаси ёнидан

пичоқ чиқариб, Ботирнинг қорнига ботирди.

Воқеа Собир Раҳимов тумани “Автоўлмехбаза” ёнида кечаётган эди. Ботир уларга бас келолмаслигига кўзи етгач, чекинишга мажбур бўлди. У қорнини чангаллаганча шу қорхонанинг қоровулхонасига қараб чопди. У қоровулларни танир, улардан нажот кутаётган эди.

Кучукларнинг нимадандир безовта бўлиб, тинимсиз акиллаётганидан хавотирга тушган қоровул келиб дарвозани

оқди ва қорнини чангаллаб турган Ботирга кўзи тушди.

— Ёрдам беринг, — деди у илтижо билан, — мени пичоқлашди.

Аммо Ботир негандир бу ерда қололмади, балки ёрдам беришларига ишонмагандир? Балки ўзига ишонгандир, эҳтимол ажал талвасаси уни бир жойда тек туришга қўймагандир? Ишқилиб, автосаройдан чиқиб, Шумилов станцияси томонга чопиб кетди. Қоровул эса ён-атрофга қараб, шубҳали ҳеч кимни учратмади. Сўнг ҳамроҳини қақариб келгани кетди. Улар кўчага чиқишганда Ботирнинг ортидан кетаётган икки кишига кўзлари тушди. Ораларидаги масофа 30-35 метрлар бўлгани учун ҳам қоровуллар ўша икки кишини таниёлмай қолди. Уларнинг ортидан боришга эса қўрқинди. Ҳар кимга ҳам ўзининг жони ширин. Эртаси кунни эса Ботирнинг оғир аҳволда касалхонада ётқизилгани ҳақида хабар топишди...

Ботир ўз уйига яқинлашиб қолди, аммо у ерга етиб олишига мадори қолмаган эди. Танишларидан бирининг уйи қўнғирогини босди. Уй эгаси С.

Нишонов ташқарига чиқиб дастлаб ҳеч нарсани пайқамасди, энди уйига қайтиб кириб кетмоқчи бўлаётган эди, кўзи икки қўли билан қорнини чангаллаб олган Ботирга тушди.

— Мени пичоқлашди, — деди у нафаси қисилган титроқ овозда, — шляпа кийган одам... қувиб келаяпти...

С. Нишонов Ботир кўрсатган томонга қаради, бироқ ҳеч кимни кўрмади. Шовур-шувурдан ташқарига чиққан қўшниси Абдувалини олиб, ўша томондан бир йигитни тутиб келишди. Аммо

Ботир “бу эмас” деганидан сўнг, уни қўйиб юборишди. Сўнг улар Ботирни шаҳардаги 17-касалхонага олиб боришди.

Орадан беш кун ўтди. Бир умрлик азоб-уқубатлардан-да оғир бўлган беш кун... У шу кунлар давомида ўзига келолмай ётди ва шу тарзда ҳаётдан кўз юмди. У ўлими олдида англаган, дуч келган нарсаси меҳрсизлик, оқибатсизлик, ёлғизлик бўлди.

Катта бир шаҳарнинг кўчаларида пичоқланиб қочиб бораётган киши балки энди ҳаёт билан видолашишини билмас, билганда ҳам эҳтимол сўнгги дамда (ўзини, борлиқни англаб турган сўнгги дамда) бир оғиз ширин сўз, озроқ меҳр истар. Аммо ўша истак амалга ошмасачи?!

Бечора йигит, деган ўйга борасан, беихтиёр вино излаб юрган бир ярамаснинг касрига қолиб дунёдан кўз юмиб кетавериш ёшгина йигит учун жабр.

Қотил тўққиз йил муддатга озодликдан маҳрум этилди, бироқ бу барибир қўнғилга тасалли бермайди: ҳақиқатнинг қарор топгани яхши, аммо тўққиз йил ўн

гулдан бир гули очилмаган умр олдида нима бўлибди дейсиз.

Ўйлаймизки, ўқувчи биз қанақа ёлғизлик хусусида гапирмоқчи бўлганимизни, нимага шама қилганимизни аллақачон тушуниб етган. Бундан бир йил бурун ушбу сатрлар муаллифларидан бири одамларни кулфат бирлаштиради, деб ёзган эди. Бугун эса бу гап унчалик ҳам тўғри эмаслиги билиниб қолди. Нотўғрилиги қайси маънодаки, бу бирлашиш барибир ҳақиқий бирлашиш эмас.

Одам қанча кўпайишган, бир-бирига яқинлашган сайин шунча узоклашиб бораверади, чамаси. Ундаги бефарқлик шу даражага бориб етаяптики, беихтиёр ташвишга тушиб қоласан, киши. Юқоридаги иккита мисолни олайлик: биринчисида, овлоқ жойда содир бўлганда ҳам кўнғилга тасалли бериш мумкин эди. Одамлар билмай қолишган, деган ўйга борилаб эди-да. Аммо бу... иккинчисида-чи? Майли, йигит пичоқланиб, бўлар иш бўлди ҳам дейлик, аммо бу барибир энди унга ёрдам бериш шартмас, дегани эмас-ку. Бу ерда маҳалладошларнинг ёрдамга келиши кўнғилга тасалли бағишлайди.

Умуман том маънодаги ёлғизлик одамларнинг алоҳида-алоҳида яшаш эмас. Ўқитанлар аҳамият берган бўлса керак, “Ёлғизликнинг юз йили” романида ҳам шу нарса ифода этилган. Гап ушбу асарга бориб тақалган экан, эътиборингизга унинг энг охиридан олинган кўчирмани ҳавола қиламиз: “Ёлғизликнинг юз йилига маҳкум этилган одамлар авлоди ер юзида қайта пайдо бўлмайди”. Биз нима ҳам дердик, юракнинг бир сесканиб олгани қолади, холос-да.

Р. РЎЗИЕВ,
Собир Раҳимов тумани
прокурори.
И. ШОМУРОДОВ,
журналист.

(Давоми. Боши 63-76 сонларда)

ИККИНЧИ ҚИСМ

1.

Хеч қачон Одил атрофидаги кишиларнинг ҳаётига дахлдорлик туйғусини шунчалик яқин ҳис этмаган эди. Унинг фикри-ёди бир нарс билан банд бўларди: кишилар яхши яшай бошлашди, демак чўнтакларидagi пул кўпайган. Бу пулларнинг бир қисмигина унинг пулларига айланарди. Воқелик билан бундай алоқа қилиш илгарилари уни қаноатлантириб келган эди. Энди эса у ана шу кишилар оқимининг бир қисмига айланишга уриниб кўриши керак. Маълум бўлишича, бундай қилиш унчалик осон эмас экан...

Тошкентга келган дастлабки кўнлари шу ердалигига ҳеч кўника олмади. Тошкентни Одил олти-етти йил кўрмаган эди. Тўғри, бошқа шаҳарларни ҳам ана шу йиллар ичида кўра олгани йўқ... Энди эса жонажон Тошкентдан ғалати равишда бегоналашиб кетганидан ҳайратланарди. Одил шаҳарнинг оппоқ уйлари, кенг кўчаларини кўрди, Шаҳар манзараси фақат ана шундай бўлиши кераклигини тушунди, зилзилада сўнг шаҳар узоқ вақт хароба бўлиб ёта олмас эди. Лекин у қандайдир бегона, совуқ ва ноқулай

олмоқчи.

Одил Кадетнинг кўзларида биринчи марта кучли мунгли кўрди.

— Лекин, ҳар ҳолда, Клич, ўғирлик қилиш яшаш тарзи эмас, бунга ишонч ҳосил қилдим. Лекин бизнинг тоифадагилар учун ҳалол яшаш ҳам осон эмас. Ахир, қанча йил беҳуда соврилди — на маълумот олдик, на касб ўргандик.

— Нима, очикдан-очик ўғирлик қил дейдими?

— Йўғ-э, хотиним бундай демайди. Лекин, ҳар кун пул кам деб машаа қилаверса-чи? Савдо соҳасида ишла, дейди. У ерда эса, тўғриси айтсам, заводдагидан кам маош тўлашади. Хўп, майли мен тўғримдаги гап етар, ўзинг қалайсан, оғайни?

— Менга нима қилибдиё Муддатимни ўтадим, мана озодликка чиқдим... Сенинг аҳволингни кўргач, янги турмуш ўзига жалб этмай қўйди.

— Бу гапингни қўй. Менга қарашнинг кераги йўқ. Ўзим айбдорман, баттоли билан айланишиб қолдим... Ҳар ким ҳам шундай аҳволга тушиб қолиши мумкин. Лекин барибир ўғирлик қилмайман. Сenga бир гапин айтмайми, — Кадет Одилга яқинроқ ўтирди. — Яқинда бирга мактабда ўқиган танишимни учратиб қолдим. Биласанми, у ким ҳозир? Подполковник. Тушундингми? Мен

тўсатдан ёнида пайдо бўлиб қолди.

— Стакан керакми? — сўради у Одилга хира тортган кўзлари билан боқаркан.

— Бўлса, узат, — лоқайд оҳангда сўз қотди Одил. Лекин чол чўнтагини оҳиста кавларкан, Одилдан кўзини узмас эди.

— Нимага тикилиб қолдинг, отахон? — нимадандир хавотирга тушган Одил сўради.

— Сен ичавер, ичавер, кўнглинг тортса... — чол тушунарсиз овоз билан гўлдиради.

Одил стаканга ароқни қўйди, ичди, хоҳламай газакдан тотинди, хаёлга чўмди.

— Нимага бошингни эгиб қолдинг, Клич? — Одил чол уни қақираётганини аввалига фаҳмламади. Чолга тикилди.

— Паханмисан?

Чол бошини қайғули тебратди.

— Бутунлай адоий тамом бўлибман шеклилли, мени танимадинг...

У Одилнинг ёнига ўтирди, ароқдан қўйди, пишиллаб кўтарди. Одил ҳозирда кучдан қолган, лекин бир вақтлар бақувват ва шафқатсиз бўлган ана шу киши олдида аллақачон унутиб юборган кўрқув ҳиссини сезди. Ўз ихтиёридаги безориларни чол кўрқитиб қўйган бўлиб, итоат қилишга мажбур этар, зигирдек бош торттишга тоқат қила олмас эди.

— Озодликка чиқдингми, ўғлим? — мулоимлик билан сўради Пахан. — Хўп майли, мўйсифиди роса қувонтирдинг. Ҳаммаларинг ҳар қаерга кетиб қолдиларинг, мени бутунлай унутиб қўйдиларинг. Стакан билан таъминловчи бўлиб ишлашга тўғри келмоқда. Шундай аҳволга тушиб қолдим, Кличжон. Мени ёлғиз қолдирмайсан, сени яхши биламан...

Паханнинг қўлида ишлайдиган болалар беш нафар эди, ҳаммаси осмондаги юлдузга бенарвон урарди. Пахан уларни ўзи хоҳлаганидек ишлатарди. Тўғри, у ташкилотчилик ишига моҳир эди, деярли ҳеч қачон қўлга тушишмаган. Лекин беш боланинг иккитаси аллақачон йўқ, бошқа тўда билан тўқнашувда ўлиб кетишди, биттаси "олий жазо" олди, яна бирининг сотқинлик қилгани учун Паханнинг ўзи фотиҳасини ўқиди. Айтмоқчи, бу ҳақда фақат гумонсирлаган эдилар. Ингитча бўйин товлади, Паханнинг гапини қайтарди, кўп ўтмай уни канализация қудугидан бўғзи кесилган ҳолда топишди. Пахан ўзини ҳайрон бўлганга солди, лекин Одил ўшандаёқ унинг совуқ, шафқат билмас кўзларига қараб, у ҳамма нарсани билишини ва эҳтимол, болани ўзи ўлдирганини фаҳмлади. Уни "йиғиштирмоқчи" бўлгани учун ўлдирган.

— Кечкурун олдимга кел. Мен ҳали ҳам ўша ерда, ўрдада яшайман... Ўзингнинг эски оғайниларингни кўрасан. Ҳайратда қоласан. Мен сизлар учун иш тайёрлаб қўйдим, яхши иш.

Анчадан бери мўлжаллаб юрибман. Анчадан бери ўзини ҳеч нарсадан кўрқмай қолгандек ҳис қилиб юрган Одил ҳам ана шу мўнжиллаган чол олдида ғалати кўрқиб ҳиссини сезди.

— Хуллас, кечкурун кутаман, ўғлим. — Пахан қўйинга стаканни солиб, ундан узоқлашди.

3.

Таня Скворцова ана шу ғалати йиғитни учратганидан қаттиқ ларзага тушган эди. У, албатта, унинг ёруғ ва катта дунёси билан ёнма-ён ана шундай зулматга ботган, шафқатсиз дунё ҳам мавжудлигини биларди. Лекин у жиноятчиларни жуда ҳам ажралиб турувчи кишилар бўлади, уларни башарасига, турмуш тарзларини белгиллаб берадиган алоҳида белгиларига қараб ажратиб олса бўлади деб тасаввур қиларди. Умуман олганда, у ҳам, кўпчилик кишилар каби, бандитни учратган захоти дарҳол таниб оламан деб ишонарди. Тўғрироғи, у жиноятчи албатта ечимсиз кўринишли, совуқ кўзлари бир-бирига яқин жойлашган қилиб тасвирланадиган фильмлар таъсирида ана шундай деб ўйларди. Лекин у мана шу йиғитни учратиб қолди. У ҳатто ечимли ва жозибадор, унда ҳатто ўзига тортувчи истараси иссиқлик бор. У эса ўғри бўлиб қиди. Унинг тасаввурлари воқелик билан мана шундай мувофиқ келмаслиги кинзи гангитиб қўйди. Ўзи тушиб қолган аҳвол аяда мураккаб бўлиб туяларди. Зеро Таня ўша ғалати йиғитга ёқинини яхши биларди. Буни фаҳмлаш учун у етарлича улгайган эди. У бошқа нарсани ҳам тушунарди: йиғитнинг бундан кейинги тақдири қандай бўлиши кўп жиҳатдан унга боғлиқ. Албатта, ҳеч қандай ҳис-туйғулар ҳақида сўз бориши мумкин эмас, лекин ҳамма нарсани эскича қолдириш, Одилни ўз ҳолига қўйиш ҳам унга хато бўлиб туяларди. Қисқаси, қиз мушкул ҳолга тушиб қолганидан гангитиб қолди. Базан у ана шу ғалати воқеага аралашиб қолгани учун ўзини қойирди, бирдан эса бўшанглиги ва бошқаларнинг

тақдирига лоқайдлиги учун ўзини уялтирарди. Ана шундай изтироб билан шанба кун дарсдан сўнг ётоқхонага қайтди, хонасининг эшиги очиклигини кўриб жуда ҳайрон бўлди. Қандайдир киши ёзув столи ортида, эшикка тескари ўтирарди. У аввалига кўрқиб кетди, кейин қувонч билан қичқириб юборди.

— Адажон!

Бахтиёрлигидан кўзларидан севинч ёшлари оқаркан, Таня отасининг бўйнига осилиб олди. У олисда қолган болалик пайтларидагидек унинг сочларини эркалаб силарди.

— Нимага йиғлайсан, тентаккинам! Ҳаммаси жойида...

— Қандай қилиб Москвага келиб қолдингиз? Ахир, келишингиз ҳақида менга ҳеч нарса ёзмаган эдингизку. Сир сақловчи адажонимей!

— Шошилч командировка бўлиб қолди, бир соатда ҳамма нарсани йиғиштирдим. Хабар қилишга вақт қолмади.

— Анча вақт бўласизми? Балки, энди ҳеч қаерга юборишмас? — Танянинг овозида ниҳоят энди у отаси билан яна бирга бўлишларидан умидворлик сезиларди.

— Йўқ, Танюша, ҳали бутунлай келганим йўқ, — бошини чайқатди отаси. — Хўш? Кетдикми?

Улар отаси тўхтаган меҳмонхонага етиб келишди. Ҳозирча бошқа бошпаналари йўқ эди. Таня бўм-бўш квартирада ёлғиз қолиб зерикмаслиги учун квартирани икки йил муддатга топширишган эди.

— Хўш, қизим, гапир, қандай яшаясан? Нима янгиликлар бор?

Таня ҳам ҳамма нарса: ўқиши, ўртоқлари, Одил билан танишгани ҳақида ҳикоя қилиб берди. Сўнгра унинг тақдиридан ташвишланаётганини очик айтди. Гарчи отаси нима учун Таня ўзи мутлақо танимайдиган кишининг тақдири ҳусусида бунчалик қуйиб-пишайтганини равшан тушунмасда, маюслик билан сўз қотди:

— Улғайиб қолибсан, Татьяна. Анави... чўнтаккесарин, яхши кўриб қолмадингми?

Таня ўйлаб туриб бошини чайқайди.

— Йўқ, ада. Лекин ахир ўзингиз бошқалар кулфат чекаётганида ёнларидан лоқайд ўтма дегансиз-ку. У эса кулфатда. Балки, мен тентакдирман, лекин, ўйлашимча, у ўз тақдиридан норози, мен унга ёрдам беришим керак.

— Қандай қилиб? Мени кечир, Таня, лекин мен бу воқеани илpidан-иғнасиғача тушуниб олишим керак. Агар сен унга панд-насихатлар, қадр-қиммат, бурч ҳақидаги баландпарвоз сўзлар билан самарали таъсир қилиш мумкинлигига ишонсан, эҳтимол, янгиликларсан. Агар унинг ёнида бўлишни, ўз тақдирининг уники билан қўйишни хоҳласанг...

— Йўқ, йўқ, — отасининг сўзларидан додирлаб қолган Таня шоша-пиша уни ишонтирди.

— Эҳтимол, у сенга қулоқ солар. Лекин муқаррар равишда сендан ҳис-туйғуларининг қурбон қилишни талаб қилади, Таня.

— Аммо... Мени уни сева олмайман, ада.

— Кўрасанми, қанчалик гангитиб қолибсан, қизим. У сенга хат ёзганими? — Ҳа, албатта. Ҳозир унга қийин. Колониядан қайтганлиги учун уни ҳеч қаерга ишга олмаётдилар. Ранжу даргазобланишдан бирор ёмон иш қилгуб қўйиши ҳам мумкин.

— Ҳм-ҳм, ўзим ҳам тахминан шундай тасаввур қилган эдим. Ё унга дарҳол мутлақо ишон, ё бўлмаса ана эски хунарини бошлайди. Ахир, бу — одатдаги воқеа, қизим. "Мен, агар сизга керак бўлса, ҳалол киши бўла оламан, лекин ҳамма гуноҳларимни кечиринг". Ҳаётда эса бундай бўлмайди. Агар инсон ҳалол яшашни хоҳласа, у бунинг эвазига ҳеч нарса талаб қилмаслиги керак. Тушундингми? Бамисоли у инсониятга марҳамат кўрсатаётгандек бўлиб қолмоқда. Ўзинг нимани хоҳлайсан? — кўнгли хотиржам бўлган отаси креслога ўтираркан, сўраб қолди. — Тошкентга бормоқчимисан?

Бирор нарсани яшириш бекфойда бўлган бундай ақлли ва сезгир отага эга бўлиш жуда яхши ва айни вақтда отир ҳам. Таня бошини силкиди.

— Яхши, юз эллик сўмини олиб қўй. Лекин бир жойга бориб келганимиздан сўнг у ерга учасан. Ҳозир бир жойга меҳмонга борамиз. — Қаерга, адажон, агар сир бўлмасай?

— Ошиқма, Татьяна, ошиқма. Мени тўғри тушунишга ҳаракат қил...

— Ада, ўйламоқчимсиз шекилли! — Танянинг миёсига ярқ этиб шу фикр келди. Энди отаси ҳам ҳаддан ташқари сезгир қиздан ўпкалайдиган бўлди.

— Ойимизни унутиб бўлдингизми? — сенинг сўради Таня.

— Ҳаммаси бунчалик оддий эмас, қизим. Менга сирдош бўла оладиган аелини учратиб қолдим. Ахир, мен ҳам ана ашга бориб қолдим, ёлғизликдан, саргардон бўлишдан чарчадим. У сен

ҳақингда билади... Ранжима, қизим, у сенга ёқиб қолади, бунга ишончим қомил.

Таня бир оз йиғлаб олди, сўнгра отасининг елкасини осойишталик билан қучди.

— Менга эътибор берманг, адажон! Мен тентак, тантқиқ қизман, бунинг устига худбин ҳамман. Танянгизни унутиб қўясиз деб кўрққан эдим. Буларнинг ҳаммаси арзимаган гап, сиз мени яхши кўрасиз, бундан кейин ҳам яхши кўрасиз. Борамиз. Борамиз.

Отаси қизининг катта аёллардек тошойна олдида кийинишини, қош ва кинпикларини тўғрилаётганини кузатаркан, Танякаси усиз улғайиб қолгани, бутунлай катта бўлгани ҳақида қайғу билан ўйларди... Бундай сезгир, ҳамма нарсани ўзига олувчи табиатли қизини ҳаёт йўлида кўп хавф-хатарлар қутиши аниқ, лекин у бирор нарсани ўзгартаришга энди қодир эмас.

— Уша йиғит сенга тез-тез хат ёзиб турадими? — сўради отаси тақсид кетаётганларидан.

— Кетганига ҳали кўп вақт бўлгани ҳам йўқ. Иккита хат ёзди. Эртага ўқиб чиқарсиз.

Ота ва қиз Москвадаги оддий квартиралардан бирига келишди, эшик кўнгиросини чалишди, сўнгра ноқулай ҳолда йўлакда туриб қолишди, уларни киришга ва уялмасликка ана шундай тортинчоқлик билан таклиф қилишарди. Оппоқкина кампир уларни мулоимлик билан тинмай ичкарига киришга ундарди:

— Киришлар, кирақолинглар.

Лекин энг эътиборга молиги, отаси таърифлаган аёл ҳеч ҳам додирлаб қолмади, у жиддий ва сокин бўлиб қолаверди. Отасини хушмуомалалик билан кутиб олди, Танянинг елкаларидан қучди, оҳистагина деди:

— Мана қанақа экансан, Таня.

Таняни диванга ўтиргизди, ўзи ёнига ўтирди. Отаси эса стол ёнида ўтирар, уларни безовталик билан кузатар эди.

Шуниси ажойибки, Ольга Сергеевна ўзини ёқимтой қилиб кўрсатишга уринмас, дорилфунундаги ўқиш, ўртоқлари, стипендияси ҳақида ўртоқларча сўраб-сурштирарди.

Таня кўп ўтмай ўзини бемалол ҳис эта бошлади, лекин Ольга Сергеевна билан қаердадир учрашганлиги ҳиссидан ҳеч ҳам қутула олмас эди. Тўғри, бу ҳорғин, бир оз қайғули аёл ўшанда анча ёш бўлган, чамаси. Лекин, Таня унга нисбатан ўзида ёқтирмаслик туйғусини ҳис этмади. Овқатландилар, сўнгра Ольга Сергеевнанинг хонасига кирдилар. Деворда осилган катта ҳажмли фотосуратларга қараркан, Танянинг оғзи очилиб қолди.

— Мана сизни қаерда кўрган эканман!

Яна Ольга Сергеевна унинг елкасидан қучди:

— Бу ҳам иш, қизалоқ. Бошқаларникидан яхши эмас, оғир.

Ахир, Таня бу актрисани кўп фильмларда кўрганлигини ва ҳатто унга қойил қолганлигини нега дарҳол эслай олмадикин? Лекин у билан ҳаётда қутилмаганда учрашув Таняни додиратиб қўйди.

Улар кечкурун ундан-бундан гаплашиб ўтирдилар, сўнгра Москва бўйлаб сайр қилдилар. Таня отаси ва Ольга Сергеевнага умуман ҳалақат бермаслигини, у нафақат ортқча эмаслигини, балки агар уларни ташлаб кетишга ҳаракат қилса, икковини бир умрга хафа қилиши мумкинлигини ҳис қилди. Таня хонаси келганида Ольга Сергеевнага Одил билан учрашгани ҳақида ҳикоя қилиб беришга аҳд қилди. Зеро, бундай ақлли аёл албатта унга нима қилиш кераклиги ҳақида маслаҳат беради.

Тунда меҳмонхона номерида ота-бола суҳбатлашиб ўтирардилар.

— Ольга Сергеевна билан қаерда танишишга улгурдингиз, адажон? — сўради Таня диванда ухлаш учун қўзлардан.

— У биз билан Сурияда ярим йил бирга бўлди, кинода суратга тушди. Нимага жим бўлиб қолдинг, Таня? Маълумлашганим ё йўқми? Ахир, кўп нарса сенга боғлиқ.

— У менга ёқиб қолди. Ақлли, — жиддий равишда сўзлади Таня ва кўп ўтмай ухлаб қолди.

Сўйрга отаси ва Ольга Сергеевна билан бир неча масъуд кунлар ўтди. Дарс туғатиш олдидан отаси уни дорилфунун хибонада қутиб турар, сўнг улар пойтахтнинг жўшқин ҳаётига шўнғинар, Ольга Сергеевнани кўргани уйига ёки студияга боришар, сўнгра бирга Коломенскоега ёки Останкинога, бўлмаса шунчаки шаҳар атрофидаги ўрмонларга йўл оқинар эди. Ана шу ерда, ўрмонда, отаси юзига газета ёпиб дам олиб ётган паллада, Таня ўзининг шубҳалари ва ташвишлари ҳақида сўзлаб берди, Одилнинг суратига кўрсатди. Ольга Сергеевна суратга жуда эътибор билан қаради, сўнгра қутилмаган ҳолда деди:

(Давоми бор).

Юрий ВОЛОГИН

НОМАЗОД ҚИССА

шаҳарга айланибди. Фақат кейинроқ, бир неча кундан сўнг, Одил бунинг сабабини аниглади. У эски қадрдонларини топмаган эди. Йўқ, у яна ўғирлар орасига бормоқчи эмас. Лекин эски дўстларини топа олмас, нима қилиши мумкин, ахир. Шу сабабли трамвайда Кадетни учратиб қолганида у жуда ҳам қувониб кетди.

— Клич! Салом. — Кадет дўстини қучоқлади, эшикка қараб тортиди, — юр, мана шу ерда отамлашадиган жой бор.

Улар Тўқимачилик комбинати олдида тушишди, "Дилбар" қаҳвахонасига киришди. Кадет дарҳол пиво буюртирди.

— Жазирама... Хўш, қаердан пайдо бўлиб қолдинг, Клич? Одил Кадетга тикилиброк қаради, қариб қолибди, юзини ажин босган, кўплари дағаллашибди.

— Нимани ҳам ҳикоя қила олардим, Кадет? Ўтириб чиқдим Томоша қилиб юрибман, — гапини чалғитди Клич стакандаги пивони хўпларкан. — Ўзингнинг ишларинг қандай?

Эҳтиёткор бўлиш унинг жигига тегмоқда эди, чунки улар илгари бирга "ишлаган" ва унда зарур эди. Нималар бўлмаган эди? Чўнтақдан финка пичоқ "чиқиб қолмаслиги" учун иккови гўё бир-бирини синаб кўришмоқда эди. Уларнинг муҳтида бундай ҳоллар ҳам учраб турарди: ҳамтовонингга ишонсан, у эса биқинингга пичоқ тикади. Лекин Одил кўп ўтмай Одилдан кўрқиб керак эмаслигини ишонч ҳосил қилди. — Мен йиғиштириб қўйдим. Менга бундай қарама. Эртаим-кечмим сен ҳам шундай қиласан. Бошқа иложимиз ҳам йўқ. Қанчалик кеч ақлимиз кирса, шунча ўзимиз учун ёмон. Энди ҳалол яшай бошлаганинг учун хурсанд бўлибгина қолмайдилар, балки нега узоқ вақт ўйлаб юрганинг билан ҳам қизикадилар... Хўш, уйландим.

Алдам-қалдам қилиб юрганимда пул етарли эди, яхши ҳисобланардим. Бунақа ҳаётини йиғиштириб қўйганимдан сўнг... Яшаш мумкин, албатта. Чиндаса бўлади. Бизга квартира беришди. Хўш, қараёт, телевизор олдим. Яна оз-моз майда-чўйда дегандек. Баттол хотинимга эса ҳаммаси камлик қилади. Илгари пулнинг ошиб-тошиб ётарди, дейди. Мана нима дейди, яна ўғирлик қилиб қамоққа тушайми? Бу билан унинг иши йўқ. Менинг эса қизкам бор. Заводда обрўлиман. Уйда эса тинчим йўқ, ҳар кун жажжал, қий-чув. Хотиним кетмоқчи, қизчани ҳам ўзи билан

эса, ахир, ундан ёмон ўқиган эмасман. Ҳасадим келди, тўғриси айтсам.

— Нима дейсан? Армияда хизмат қилиш учун кечикдинг.

— Ҳа. Кечикдим. Энди нима қилишим мумкин? Ҳаётда ҳеч бўлмаганда нимагадир эришини хоҳлайман. Биргина орзум бор... Уйдаги аҳвол бундай бўлса, унга қандай эриша олардим? Сирткида ўқишни, диплом олишни хоҳлайман.

— Дипломми? Уни нима ҳам қиласан, Кадет? Муҳандислар ошиб-тошиб ётибди. Мана мен ҳатто фан номзоди бўлдим, — истехзо қилди Одил. — Ўқийдман фойда йўқ.

— Йўқ. Оғайни, бундай дема. Мен ахир лавозим илинжида эмасман. Бир вақтлар автомобилларга жуда ишқибоз бўлган эдим...

Улар хайрлашдилар, бир-бирларининг манзилгоҳларини ёзиб олишди. Одил ана корхоналарнинг кадрлар бўлимларига йўл олди. Икки жойда уни ишга олишдан воз кечинди ҳам. Лекин Одил тақдирга тан беришни хоҳламасди. Уни ҳеч нарса йўлдан қайтара олмайди. У ўлардек қайсар.

Учинчи гал ҳам унинг омади келмади. Одил кўчага отилиб чиқди, бир неча дақиқа ҳеч нарсага қарамасдан, даргазаб ҳолда юрди, сўнгра аччғи таркади. Хўш, осмон узиллиб ерга тушибдими? Нимага! У хафа бўлмоқда? Нима учун унинг ҳалол ишлайдиган бўлишига ишонишлари керак?

Ишларининг ўзи нима? Колонияда ҳам кўп ишлашга тўғри келган эди. Ҳалол яшаш лозим. Бунда эса ҳамма нарсая ўзинга боғлиқ.

— Йўқ, — ўжарлик билан тақрорлади Одил, — йўқ...

2.

Нима учун "йўқ"лигини унинг ўзи ҳам ҳозирча билмас эди. Лекин кайфияти барибир очилмади. Одил дўконга кирди, икки юз грамм колбаса, "чоракталик" олди ва ҳеч ким ҳалақит бермайдиган жойни қидира бошлади. Лекин овлоқ жойни топишга муваффақ бўлмади. Боғда навбатчи милиционер узоқ тикилиб қараганидан чўчиди, кўчаларда эса бемалол ўтириш ноқулай. Одил троллейбусга ўтириб, Комсомол кўлига қараб жўнади. Бўм-бўш хибоблардан ўтиб, чўмилиш тақиқлангани сабабли ҳеч ким кўринмаган соҳилда, аккам-дуккам ўсган майсалар устига ўтирди. Ичиди ёмон эмас-куя, ҳеч қандай ндиш-олмаганлиги таъини тирриқ қилади. Эски-туски кийим кийган чол бамисоли

Спорт НУФУЗЛИ МУСОБАҚА

Осиё-Тинч океан ҳавзаси мамлакатларининг Тошкентда бўлиб ўтган таэквондо бўйича дастлабки биринчилигида бўлганидек байрамона кўтаринки кайфиятни яқин ўртада бўлган мусобақаларда кўрмаган эдим. Уни кейинги йилларда республикамизда ўтказилган энг йирик мусобақа бўлди, дейиш мумкин.

Бир йил олдин Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов Халқаро таэквондо федерацияси (ХТФ) асосчиси ва президенти генерал Чой Хон Хи билан учрашиб, ўша суҳбатда республикамизда спорт биринчилигини ўтказишга келишиб олинганди.

— Бундай биринчиликни таэквондода етакчи бўлган Австрия, Япония, Малайзия, Сингапур каби мамлакатлар ўзларида ўтказишга даъво қилиб чиққан эдилар, — деб ҳикоя қилади Тошкент халқаро марказининг президенти В. Лигай. — Лекин бу соҳада Ўзбекистон таэквондочилари қисқа вақт ичида (спортнинг бу тури билан бизда атиги тўрт йилдан бери шугулланилади) катта ютуқларга эришганликлари сабабли Тошкент танланди.

Чемпионат жуда пухта ташкил этилди. Илгарилари бундай мусобақаларни ташкил этиш учун Москвадан мутахассислар келарди. Энди эса фақат ўз кучимизга таяндик. И. Эшпардаев раҳбарлик қилган ишчи гурӯҳи (ишчи рухсатномаларни расмийлаштиришдан тортиб, буюмларни синдириш учун махсус ишланган дастгоҳларга қадар) ҳамма нарсани тайёрлади. Айтмоқчи, биринчиликда иштирок этган йигирма икки терма жамоанинг ҳаммасига ана шу дастгоҳлар жуда ёқиб қолди. Улар дастгоҳларни сотиб олишга қарор қилдилар.

Мусобақанинг дастлабки икки кундан сўнг Лигай кўтаринки руҳда эди.

— Йигит-қизларимиз бунчалик муваффақият қозонишларини кутмаган эдик, — дейди у қувонч билан. — Таэквондонинг энг нуфузли тури бўлмиш якка тартибдаги спаррингнинг якуний қисмига тўрт йигит ва уч қиз етиб келди. Жами 24 медалга эга бўлди. Қорақалпоғистонликларнинг алоҳида қатнашган жамоаси қўлга киритган тўққизта медални ҳам бунга қўшинг. Спортнинг ана шу тури бўйича жаҳон биринчилигини эгаллаган КХДР терма жамоаси 29 медалга эга бўлди.

— Ўзбекистон таэквондочиларининг бунчалик тез камолга эришишлари сабаби нимада?

— Кўп йигит-қизларимиз таэквондодан олдин каратэ билан шугулланишган. Шунингдек, халқаро федерация билан ҳам яқиндан алоқа ўрнатгандик. Генерал Чой Хон Хи Тошкентга бир неча марта келиб, семинар ўтказди. Шунини айтиш лозимки, бугунги кунда таэквондо билан юздан ортиқ мамлакатда шугулланилмоқда, тўққиз данининг дунёдаги ягона соҳиб ҳамма мамлакатга ҳам боравермайди.

Бизнинг спортчиларимизга КХДР терма жамоасининг ҳозирги катта тренери Че Сан Чел ҳам сабоқ берди. Шогирдлар ҳам устознинг маслаҳатларига қулоқ қоқмай амал қилишди. Чой Хон Хи Н. Югайга бешинчи данини, И. Худойкулов, В. Пак, Г. Ханга тўртинчи данини тошқирди.

Таэквондо мусобақасини тавсифлаш осон эмас, уни томоша қилиш керак. Бунда зарба рақибга тегмаслиги керак. Лекин бирор олишувда ҳам бундан қочишга амалда муваффақ бўлинган эмас. Айниқса, яккама-якка олишувчиларнинг бири маҳоратда бошқасидан сезиларли орқада бўлса ва ўзини четга олишга улгуролмаса. Ўзбекистон ва Ҳиндистон

эркаклар терма жамоаларининг спаррингдаги мусобақасида шундай бўлди. Мезбонлар олишувни муддатидан олдин якунладилар. Улар бошқа рақибларни ҳам анча осонлик билан мағлуб қилдилар. Якуний қисмда эса КХДР жамоаси билан учрашдилар. Меҳмонлар арзимаган устунлик билан голиб чиқишди.

— Сусанна, Сусанна, — малайзиялик спортчи Ўзбекистон таэквондочилари билан бирга шундай деб такрорларди. Лекин ҳакамлар эҳтиросга асосланиб ҳукм чиқармайдилар. Улар Шимолий Кореядан келган рақиб қиз кучлироқ, деб қарор қилишди. 70 кг. вазнчага бўлган тоифада шахсий спаррингнинг якуни эди бу. Сусанна Якунина билан бирга яна икки қизимиз: Рита Хан ва Лариса Гольцмайлларга қумуш медаль билан кифояланишларига тўғри келди.

Қизларнинг олишувларини милиция бўлини маси командирининг ўринбосари, милиция капитани Б. Каримов билан бирга кўрдим. Ўзларининг касбий бурчларини бажараётган ички ишлар идоралари ходимлари айна вақтда манфаатдор томошабинлар ҳам эдилар.

— Бўлинмамизда асосан қўл жанги билан шугулланишди, — дейди Бахтиёр Каримович, — лекин таэквондодан ҳам баъзи нарсаларни олса бўлади. Яккама-якка курашнинг бу турини ўз кўзим билан кўрганим яхши бўлди. Корея терма жамоаси менга ёқди. Айниқса, қизлари ҳайратга солди. Худди метин тошга ўхшади. Бизнинг таэквондочи қизлар ҳам улардан қолишмайдилар. Қаранг, улар корейликлардан ёшроқ, лекин маҳоратда деярли тенг. Қизик, нима учун қизлар таэквондо билан шугулланиладилар? Ахир, таэквондо аёлларга хос спорт турига ўхшамайди-ку.

Милиция капитани бу саволни якуний олишувдан сўнг дам олиб ўтирган Сусаннага берди.

— Таэквондо билан энг яқин дугоним шугулланарди. Бир кун у мени “Пахтакор” ўйингоҳида ўтказиладиган машгулотга таклиф қилди. Бу спорт тури менга ҳам ёқиб қолди.

— Анча бўлдимиз бунга?
— Уч ярим йил.
— Терма жамоага қачон кирдингиз?
— Бир йил бўлди.
— Қандай йирик турнирларда қатнашдингиз?
— Фақат биттасида. Шу йил ёзда Москвада ўтказилган ёшлар ўртасидаги жаҳон биринчилигида учинчи ўринни эгалладим.

— Якуний қисмдаги бугунги рақибингиз тўғрисида нималарни билардингиз?

— Жаҳон чемпиони эканлигини, ўн йилдан кўп вақтдан бери шу тур билан шугулланишини.
— Олишувга чиқишингизда қўрқдингизми?
— Йўқ. Мен умуман огирроқ бўлади деб ўйлаган эдим. Зеро корейликлар билан ҳаётда биринчи мартаба учрашувим эди. Уларни енгиб бўлмаслиги ҳақида бутун дунёда шов-шув юради-да. Маълум бўлишича, ҳеч қандай гайриоддий нарса йўқ экан. Улар билан ҳам тенглар қаторида беллашса бўларкан.

— Олишувга қандай тайёргарлик кўрасиз?
— Доим ўзимга ўзим голиб чиқишим керак деб уқтираман.
— Лекин ҳозир голиб чиқмадингиз. Бир ўзингиз саҳнадан тушиб кетдингиз. Оғир бўлдимиз?
— Кўпроқ хафа бўлдим.
— Бундай вазиятларда баъзан эркаклар ҳам кўз ёшларини яшира олмайдилар.

— Тўғриси айтсам, менинг ҳам кўзимдан ёш чиқиб кетди. Шунинг учун ҳам залдан чиқиб кетдим. Фақат бир марта, ўсмирларнинг жаҳон биринчилигида енгилганимда йиғлагандим.

Сусанна 16 ёшда. Терма жамоадаги дугоналарининг кўпчилиги ҳам ана шундай навқирон. Шундай бўлса-да улар мутахассислар ўртасида Европа биринчилигидан ҳам юқори ҳисобланадиган чемпионатда иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар. Олдинда эса — Малайзияда ўтказиладиган жаҳон биринчилиги.

С. ГАПИЧ.

Суратда: мусобақа пайти.

Д. МИХАЙЛОВ олган сурат.

САХОВАТ



ЯҚИНДА Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармасида хайрли тадбир ўтказилди: бошқарма раҳбариятининг ташаббуси билан Қарши шаҳридаги 5-болалар уйи тарбияланувчилари Голибжон ва Русланбекларнинг суннат тўйи ўтказилди.

Кўнгил қилдан нозик, дейди халқимиз. Ота-онасиз икки кичкинтой қалбида етимлик кўнгил армонига айланиб қолмаслиги учун ўтказилган бу тадбирга шахсий таркиб, вилоят ҳокимияти, нуфузли ташкилотлардан меҳмонлар ташриф буюрдилар. Уруш ва меҳнат фахрийлари иштирок этдилар.

Тўй эрта тонгдан карнай-сурнай садолари остида бошланди. Барчанинг юз-кўзида кулгу, табассум. Бошқарма шахсий таркибининг ўз кучи билан бунёд бўлган кенг ва шинам биносида тўй тантанасининг ўтказилиши барчага манзур бўлди. Бошқарма бошлиғи, милиция полковниги Ш. Каримов тўпланганларни истиқлол байрами ва икки кичкинтойни суннат тўйи билан муборакбод этди.

Ў. ҲАЙДАРОВ.

ҚИДИРИЛМОҚДА



Тошкент шаҳридаги Яккасарой тумани ИИБ томонидан 1973 йилда туғилган **Барно Эргашева Ҳалимова** қидирилмоқда. У 1993 йилнинг 24 августида, тахминан эрталаб соат олтиларда уйдан кўчага чиққан ва бедарак кетган.

Белгилари: юзи чўзинчоқ, сочлари тўғри, узун, қошлари ва бурни тўғри, лаби ингичка.

Кийими: ҳаворанг ип газлама халат, сариқ рангли лозим, оёғида ҳаворанг шипак бўлган.

Бўйида оппоқ дур шодаси бор эди.

Бедарак кетган қизнинг қаердалигидан хабари бўлган кишилардан Тошкентдаги 55-98-21, 55-94-96 еки 02 телефонлари орқали хабар беришларини сўраймиз.

ЭЪЛОН

1993 йилда Тошкент Электротехник алоқалар институти томонидан Нодир Абдусатторович Сентумеров номига берилган ФВ 986497 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Мухаррир

Зокир ОТАЕВ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент,
Наврўз кўчаси, 1.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтариб бериб берилмайди.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021. Буюртма Г — 554, 33.209 нусхада босилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Босилиш — офсет усулида. Босишга топшириш вақти — 19.00. Босишга топширилди — 19.00.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 39-70-40, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-29-66, муҳбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамаси Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «ШАРҚ» нашриёт-матбаачилик концерни.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1, 2, 3, 4, 5, 6.